O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 19 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 100-101 (7400)

Da'vat

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки аҳёр дурур ёр айлар.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Оналар ва болалар йилида "Экосан" жамғармаси Қорақалпоғистонга 200 миллион сўмдан ортиқ беғараз кўмак берди. Яқинда бу ерда жамғарма томонидан ушбу ҳудудга инсонпарварлик ёрдами ортилган навбатдаги "Саломатлик" поезди етиб келди.

ТАЪЛИМ ВА МАТБУОТ

Рисбой ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Ҳозирда таълим соҳасида ислоҳотлар асосий бўлмиш — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифаларини бажариш баробарида биринчи босқичда эришилган натижаларни янада такомиллаштириш ҳамда сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтариш жараёни кечмоқда. Узлуксиз таълим тизимига татбиқ этилаётган барча янгиликлар эса ўзўзидан улкан ахборот оқимини ҳосил этадики, уларни истеъмолчига, яъни таълим ходимларига тезкорликда, сифатли ва самарали қилиб етказиш кўнгилдагидек ижрони таъминлашнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Айнан ушбу жиҳати билан ҳам оммавий ахборот воситалари, хусусан Халқ таълими вазирлиги нашрларининг бугунги кундаги аҳамияти беқиёс.

Айниқса, мамлакатимиз мустақиликка эришган илк кунларданоқ маънавий ҳамда ғоявий жиҳатдан яроқсиз ҳолга келиб қолган ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда қўшимча адабиётлар ўрнини тўлдиришда улар ўз тезкорлиги, оммавийлиги ҳамда қулайлиги билан ягона муҳим восита сифатида майдонга чиқди. "Инсон ва жамият", "Жаҳон тарихи", "Ўзбекистон тарихи", "Одобнома" каби бир қатор ўқув фанлари бўйича мавзулар матнларининг "Маърифат" газетасида мунтазам чоп этилиб, ўқитувчиларга етказиб берилганлиги маълум маънода унинг дарслик вазифасини ўтаганлигидан ҳам далолат беради.

Худди шундай вазифани бошқа вақтли нашрларимиз, жумладан, "Учитель Узбекистана" газетаси, "Халқ таълими", "Мактабгача таълим", "Бошланғич таълим", "Тил ва адабиёт таълими", "Преподавание языка и литературы", "Соғлом авлод учун" журналлари ҳам адо этиб келмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, таълим-тарбия тизими улкан ахборотлар оқимининг ҳам манбаи, ҳам истеъмолчиси ҳисобланиши баробарида, унинг турли-туманлигини талаб этадиган соҳа ҳисобланади. Биргина таълим жараёнини оладиган бўлсак, унга ўқув мазмунига, уни ташкил этишга, методик таъминотига оид кўплаб янгидан-янги маълумотлар, манбалар зарур бўлади. Токи ўқитувчи улар билан қуролланмас экан, ундан самарали дарс кутиб бўлмайди. Худди шундайин таълим муассасалари бошқаруви, уларда педагогик-психологик хизматни йўлга қўйиш синфдан ва мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш,

Vazir minbari

таълим турлариаро узлуксизликни таъминлашнинг илмий-услубий асосларини яратиш каби муҳим йўналишлар борки, буларнинг барчаси ўзига хос янгиликларни, тадқиқотларни ҳамда амалий хулосаларни чиқаришимизни ва ўз ўрнида бевосита татбиқ этишни талаб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг вазифаларини Юртбошимиз алоҳида таъкидлаган эдилар. Мазкур миллий дастур журналистларнинг имкониятларини янада кенгайтирди. Янги ихтисослашган нашрларга эҳтиёж пайдо бўлди. Сўнгги йилларда ташкил этилган "Таълим тараққиёти", "Узлуксиз таълим", "Мактаб ва ҳаёт", "Физика, математика ва информатика" журналлари айнан ушбу йўналишлар бўйича таълим ходимларидаги эҳтиёжни қондиришга ихтисослашган. Уларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга.

Масалан, "Таълим тараққиёти" журналида ҳукуматимиз, вазирлик томонидан чиқарилаётган муҳим қарорлар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда расмий материаллар бериб борилади. У асосан таълим-тарбия муассасалари бошқарувини самарали ташкил этишда энг зарурий манба сифатида ўз ўрнини топиб улгурди.

Яна бир янги нашримиз "Узлуксиз таълим" (илмий-услубий) журнали эса бевосита таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик муаммоларини ўрганишни, тадқиқ этишни ва шу баробарида унинг такомиллашувини таъминлашга хизмат қиладиган амалий таклифларни илгари суришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борада нафақат республикамиздаги, балки ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги янгиликлар, тажрибалар ҳам ушбу журналда мунтазам ёритилиб борилади.

"Мактаб ва ҳаёт" журнали таълим муассасаларида ҳозир энг муҳим йўналиш сифатида йўлга қўйилаётган педагогик-психологик хизматни илмий-методик жиҳатдан ахборот билан таъминлашни, ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш ҳамда унга асосан уларни касб-ҳунарга йўналтириш билан боғлиқ назарий ва амалий маълумотларни мунтазам бериб боришни мўлжаллаган.

"Физика, математика ва информатика" журнали, асосан, ўрта умумтаълимда ушбу ўқув фанлари бўйича қўшимча манбалар, турли-туман қизиқарли машқ ва масалалар бериш орқали ўқувчиларда мазкур фанларга қизиқишни ортириш кўзда тутади. Шу баробарида унда таниқли олимлар, тажрибали ўқитувчиларнинг назарий, амалий муаммоларни ва уларнинг ечимларини ўзида мужассам этган мақолалари ҳам бериб бори-

(Давоми 2-бетда)

Milliy istiqlol go'yasi

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИНИНГ ТЕРАН ИЛДИЗЛАРИ

Кишилик будурки,
унутсанг ани,
Чу таркинг қилур, тарк
қилсанг ани

Ҳазрат Алишер Навоий қаламларига мансуб бу байтда чуқур ҳикмат ва фалсафий мушоҳада бор. Улуғ мутафаккир айтмоқчиларки, агар сен ўзингдан олдин ўтганларни унутсанг, келажак ҳам, ўз навбатида, сени унутади.

Дарҳақиқат, биз мустақиллигимиз даврида бу доно ўгитга амал қилиб, тарихимиз, улуғ аждодларимиз ва қад-риятларимизни ҳар томонлама қадрлаб, ўрганиб, ардоқлаб келаяпмиз.

Бу соҳада Президентимиз Ислом Каримовнинг асарларида баён этилган йўл-йўриқлар, бевосита ташаббус ва раҳбарликларида бажарилаётган улкан амалий тадбирлар Ватанимизда яшовчи барча халқлар, шу жумладан, олиму маданият арбоблари, маънавиятнинг жонкуярларига илҳом бағишламоқда.

Шундан-да, Ватанимизда олий таълим тизими тарихи, унинг чуқур ва теран илдизларини ўрганиш имкониятлари ҳам майдонга келди. Чунки шўролар даврида ўтмишдаги олий таълимимизнинг тарихи ҳақида сўз юритишнинг барча йўллари беркитилиб, унгача, яъни шўроларгача бўлган даврлар олий таълим тугул оддий саводхонликдан маҳрум бўлган давр сифатида талқин қилинар эди. Ваҳоланки, улуғ аллома аждодларимиз Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, машҳур шоир ва адибларимиз Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Аҳмад Дониш, Огаҳий ва бошқалар ҳақида ўша даврда сўз юритилар, улар эътироф этилар эдию, аммо бу аллома ва адибларни етиштирган таълим тизими, жумладан, олий таълим масканлари бўлмиш мадраса ва мадрасаси олияларнинг фаолиятлари четлаб ўтиларди. Агар бу ҳақда сўз боргудай бўлса, "Мадрасалар — диний таълим маскани" деб қисқа жавоб бериларди ва бу билан "Бу ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас" тарзида мулоҳаза юритиларди. Афсуски, бундай тушунча ҳали ҳам батамом ўзгарган деб бўлмайди. Ана шундай "тушунча ва ақида" туфайли фақат Шарқда эмас, балки Ғарбда ҳам эътироф этилган улуғ аллома аждодларимизни забардаст шоиру адибларни етиштирган таълим тизими, хусусан, олий таълим тизими тарихи ўрганилмай қолган эди. Ваҳоланки, хорижий мамлакатларнинг алломалари, жумладан, Адам Метс (Швейцария), Акмалиддин Эҳсон ўғли (Туркия), доктор Нуриллоҳ Кисои (Эрон) ва бошқалар араб ўлкалари, Туркия ҳамда Эрондаги таълим тизимида мадрасаларнинг мавқеи бўйича ижобий мулоҳазаларни баён этганлар. XX асрнинг 60-йилларида эса Ватанимизнинг айрим олимлари ҳам бу масалага доир мулоҳазаларини билдирган бўлсалар-да, аммо уларга юқорида эслатганимиз — "тушунча ва ақида" асосида эътибор ҳам берилмаган эди.

(Давоми 2-бетда)

"Yil o'qituvchisi—2001"

"Йил ўқитувчиси—2001" республика кўрик-танловида иштирокчиларнинг ўз фанини илмий-назарий билиши, ўқувчилар фаоллигини оширишга қаратилган педагогик маҳорати, дарсда янги педагогик усул ва воситалардан фойдаланиши, кўргазмали куроллар ва бошқа воситалардан ўқувчилар билим самарадорлигини ошириш борасидаги тажрибалари, изланишлари ҳакамлар томонидан синчковлик билан баҳолаб борилди. Айниқса, бунда Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 69-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Ирода Саибованинг дарс ўтиш усули кўпчиликка маъқул бўлди.

Суратда: тажрибали муаллима Ирода Саибова ўқувчиларга айирмани қўшиш орқали текшириб кўриш усулини қўллашни таклиф этаётир.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Сиз Конституцияни биласизми? 3-бет

Муштарийлар эҳтиёжи — «Ma'rifat»нинг режаси 4-бет

Фрейд ва руҳий таҳлил назарияси 6-бет

Ўзбекистон — тинчлик учун кураш йўлида 7-бет

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Himmat

Марҳамат туманидаги 113-механизациялаштирилган кўчма колоннаси (раҳбари Шавкатбек Ҳамдамов) жамоаси шу тумандаги 14-ихтисослашган мактаб-интернати эҳтиёжлари учун 500 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Шунингдек, ушбу мактаб-интернатга ип йигирув ва тўқув фабрикаси (раҳбари Қодиржон Тожиев) 200 минг сўмлик, туман савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти (раҳбари Шаробиддин Абдусатторов) 100 минг сўмлик амалий ёрдам бердилар. Мактаб-интернат педагогик жамоаси бундай хайрли ишлардан беҳад мамнун бўлишмоқда.

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ,
Андижон вилояти

Bugunning gapi

БАЛОГА ГИРИФТОР ҚИЛУВЧИ «ЎЙИНЧОҚ»

Ота-она боласини хурсанд қилиш учун турли хилдаги ўйинчоқларни сотиб олади. Бироқ айрим ўйинчоқлар ҳам борки, болаларга завқу шавқ бағишлаш билан бирга, уларнинг соғлиғига жиддий зарар ҳам етказади. Булардан бири порох воситасида кучли овоз чиқарувчи қарсилдоқлар бўлиб, асосан, байрамлар арафасида бозорларда пайдо бўлиб қолади.

Шу боис, республика ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кучли овоз чиқарувчи ўйинчоқ воситалар (қарсилдоқларни) сотаётган кишиларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида махсус тадбирлар ўтказилиб, ушбу воситаларни сотиш билан шуғулланаётган фуқаролар аниқланиб, улардан бу турдаги кучли овоз чиқарувчи воситалар олиб қўйилмоқда. Бироқ шунга қарамай, айрим учар сотувчилар сотиб улгурган бу ўйинчоқлар ўзининг аянчли карматини ҳам кўрсатишга улгурди. Масалан, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида яшовчи фуқаро Носиров бозордан ўғлига қарсилдоқ сотиб олиб бергани учун бугун ўзини роса қойимоқда. Негаки, ўғли кўчага чиқиб ўртоқлари билан ўйнаганида, қарсилдоқдан чиққан чақин тенгдоши Алишернинг кўзига тегади ва оғир тан жароҳати етказди. Демак, бир эмас, икки оиланинг тинчлиги бузилди.

Шунингдек, Яккасарой туманида яшовчи фуқаро Аслиддин Ботиров ҳам ўғлини севинтираман деб, иztиробга солиб қўйганини кеч англади. Чунки ўғлига олиб келган қарсилдоқ унинг бош бармоғининг ярмини юлиб кетди.

Қосимжон исмли бола эса ўзи ясаган қўлбола "ўйинчоқ"ни портлатиши натижасида ўнг кўзидан қаттиқ жароҳат олди ва натижада бир умрга ногирон бўлиб қолди. Яна бир Шокиржон исмли бола ҳам қарсилдоқни портлатиши натижасида томоқ қисмидан оғир жароҳат олди.

Албатта, бунга аввало, бозорларда пул топиш ишқига тушган портловчи ўйинчоқфурушларнинг кўрсатаётган пуллик хизматлари катта сабаб бўлаётган бўлса, иккинчидан "боласевар" отажонларнинг "ҳиммати" ҳам асосий сабаб бўлмоқда. Хуллас, тирикчилик деб шундай маҳсулотлар билан савдо қилаётган бу кишилар ўзгаларнинг фарзандларини, жилла қурса ўз болаларининг ҳам шу кўйга тушиб қолишини ўйлашганида эди, бу ишга қўл уришмаган бўлармиди? Ҳартугул бизнинг ниятимиз бировга ёмонликни раво кўриш эмас, балки арзимаган ўйинчоқдан жуда аянчли қисматлар пайдо бўлиши мумкинлигидан огоҳ этишдир.

Ш.РЎЗИЕВ,
ИИВ Матбуот маркази ходими

JUMLADA JAHON

- **Муборак Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Ўзбекистон халқи номига дунёнинг кўплаб мамлакатлари раҳбарлари номидан самимий тилаклар битилган табрик мактублари келиб турибди.**
- **"Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.**
- **Германия молия вазири Ганс Эйхелнинг таъкидлашича, Европанинг умумий пул бирлиги — евро муомалага киритишнинг зарурий шартларидан бири ривожланган ғарб мамлакатларида ягона солиқ тизимини жорий этишдан иборат ва бу жараён сиёсий иттифоқнинг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутади.**
- **Ўтган ҳафта Деҳлидаги парламент биносига уюштирилган ҳужумдан сўнг Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг жиддийлашишига Ҳиндистоннинг қўпорувчилик ҳаракатлари содир этган икки нафар жангарининг Покистонда тайёргарлик кўрганлиги ҳақидаги даъвоси сабаб бўлди.**
- **Австралиянинг Вумер шаҳрида бўладиган ўзгаришларни беш йиллаб кутаётган сиёсий қочқинлар паноҳ топган лагерда содир этилган тартибсизликлар натижасида 15 та бино ёқиб юборилган.**
- **БМТ Бош котиби Кофи Аннан бутун дунё аҳлини бугунги ўз юртидан ташқарида истиқомат қилаётган 150 млн.дан ортиқ муҳожирларга нисбатан муносабатни яхшилашга чақирган.**
- **Халқаро "Экосан" жамғармасининг 42 миллион сўмлик дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат, техник воситалар ортилган навбатдаги инсонпарварлик ёрдами поезди Оролбўйи минтақасига етказилди.**

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР ДАСТУР

Бутун инсоният зўр ҳаяжон билан кутиб олган янги минг йилликнинг биринчи йили ҳам тарихга айланиб бормоқда. Ушбу ўтаётган йилнинг Президентимиз томонидан "Оналар ва болалар йили" дея эълон қилинганлигида ҳам ўзгача бир маъно мужассам. Боиси, ҳар қандай миллат асосини оналар ташкил этсалар, унинг келажаги эса ёш авлодга боғлиқ бўлади. Жорий йилнинг бошиданоқ ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Она ва бола" давлат дастури доирасида 2001 йилга режалаштирилган ишлар бугун ўз сарҳисобини намоён этмоқда. Шу сабаб, биз таълим соҳасига тегишли вазифаларнинг қай даражада бажарилганлигига назар ташлаш ҳамда келгуси "Қарияларни қадрлаш йили"да қилинажак ишлар билан танишиш мақсадида тизимдаги бир неча халқ таълими муассасаларига мурожаат қилдик ва қуйида уларнинг фикрларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

ҲОМИЙЛАРНИНГ 4,7 МИЛЛИОН СЎМЛИК ҲАДЯСИ

Мамлакатимиз ҳукуматининг ҳар томонлама баркамол авлодни тар-биялаш юзасидан кўрсатаётган ғамхўрлиги "Оналар ва болалар йили"да ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Жумладан, бизнинг Норин туман халқ таълими муассасаларида ҳам XXI асрнинг жорий йилида асосий диққат-эътибор "Она ва бола" давлат дастури ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг II босқичи вазифаларини бажаришга қаратилди.

Onalar va bolalar yili

Бу борада, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг, соҳада меҳнат қилаётган хотин-қизлар, болали аёлларнинг саломатликларини яхшилашга ҳаракат қилинди. Муассасаларимиздаги 44 та "Аёллар хоналари" қайтадан жиҳозланди. Туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда ва ҳомийлар ёрдамида ички имкониятлардан келиб чиқиб, мактаб ва боғчалардаги тиббиёт хоналарига қўшимча дори-дармонлар ва зарур жиҳозлар олиб берилди ҳамда олий маълумотли тиббиёт ходимлари бириктириб қўй-илди.

Шунингдек, боғча тар-биялануvчилари ва мактаб ўқувчилари тиббий кўрикдан ўтказилди ва касаллик белгилари аниқланган болалар даволаш муассасаларига, санаторийларга юборилди. Бугун туманимизда ақли заиф болалар учун ихтисослашган 47-махсус ёрдамчи мактаб-интернатда 240 нафар бола таҳсил олаяпти.

(Давоми 6-бетда)

Мирзо Улуғбекнинг фожеавий вафотидан (1449) сўнг ҳам мадрасаи олиянинг фаолияти XX асрнинг 20-йилларигача давом этди.

Вақтли матбуот нашрлари ичида тезкорликда, оммавийликда албатта газетага тенг келадигани йўқ.

ТАЪЛИМ ВА МАТБУОТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИНИНГ ТЕРАН ИЛДИЗЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шукроналар бўлсинки, мустақиллигимизнинг неъматларидан баҳраманд бўлишнинг намуналаридан бири ҳам биз қайд этган масала бўйича, яъни олий таълим тизими тарихида мадраса ва мадрасаи олияларнинг тутган мавқеи ҳақида кенг мулоҳаза юритиш, бу соҳадаги тадқиқотларнинг илк натижаларини нашр эттириш имкониятларининг майдонга келганлигидир *(Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари. Самарқанд, СамДУ нашриёти, 2001; яъни: Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия — университет тарихидан лавҳалар. Абдулла Қодирий номидаги ХМН, Самарқанд, 2001).*

Мавжуд манбалардаги маълумотларни кўздан кечириш шундан далолат берадики, мамлакатимизда таълим тизими, хусусан, олий таълим масканлари қадимдан фаолият кўрсатган. VIII асрдан сўнг бу таълим даргоҳлари — бошланғич (мактаб), ўрта (мадраса) ва олий (мадрасаи олия) ўзига мос низоми, таълим дастурлари, қўлланма ва дарсликларига эга бўлиб, ўқув жараёни ҳам таълим босқичлари хусусиятларига мос қонун-қоида ва низом асосида ташкил этилган. Буларга Самарқанддаги мадраса ва мадрасаи олияларда ҳам амал қилинган.

Маълумки, олий таълим тизими тарихида Самарқанд Мовароуннаҳрда ўзига хос мавқега эга. Шунинг учун Республика Президенти Ислом Каримов шундай деган эдилар:

"Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм талаб, маърифат талаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди" (Каримов И. Азалий буюклик маскани. Амир Темур ҳақида сўз. Мажмуа. Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 33-бет).

Дарҳақиқат, Самарқандда IX-X асрлардаёқ 17 та мадраса ва мадрасаи олияларга дахлдор бой кутубхоналар бирортаси сақланмаган. Аммо ана шу мадрасаларда таълим олганлар, уларда мударрислик қилган аллома ва адиблардан айримларининг номлари маълум: Шайх Абу Мансур Мотуридий, Абулқосим Самарқандий, Абу Абдулло Рудакий, Абу Бакр Аҳмад Жузжоний, Нусайр ибн Яхъё, Исҳоқ ибн Иброҳим Шоший, Фақиҳ Абулайс Самарқандий ва бошқалар.

Шунинг учун 960-970 йиллар орасида Самарқандда бўлган араб сайёҳи Абулқосим ибн Ҳавқал ўзининг "Масолик ал-мамолик" асарида шундай ёзади:

"Самарқанд Мовароуннаҳрнинг олимлари, фозил кишилари ва ёзувчию адиблари йиғилган шаҳар бўлиб, уларнинг энг машҳури Самарқандда таълим ва тарбия олиб камолотга эришганлар".

Шуниси диққатга сазоворки, бу мадрасаларда фақат Мовароуннаҳрдангина эмас, балки хорижий мамлакатлардан келган талабалар ҳам таҳсил олганлар. Масалан, Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс"да ёзишича, машҳур Мансури Халложнинг шогирдларидан бўлган Абулқосим Форис бин Исо Ал-Бағдодий Самарқандга келиб, Шайх Абу Мансур Мотуридий ва Абулқосим Самарқандийлардан сабоқ олган ва шу ерда вафот этган.

Мадрасаларда нақлий (шу жумладан, диний) илмлар билан бир қаторда ақлий (дунёвий-риёзиёт, астрономия...) илмлари ҳам ўқитилган. Шунинг натижасида 865-866 йилларда Муҳаммад ибн Аҳмад Юсуф Самарқандийнинг нужумшунослик (астрономия) соҳасидаги фаолияти Абу Райҳон Беруний томонидан уқтирилган. Самарқандлик Абулфатҳ Сайид ибн Хафифа ҳам шу даврда етишган "Замонасининг кўзга кўринган астрономи бўлган".

Худди шу даврда фаолият кўрсатган машҳур мунажжим Аҳмад Устурлобий Термизийнинг (898-990) "Илм ал-нужум" (нужум илми) "Фазо ал-осмон" (осмон жисмлари) китобларининг майдонга келиши ва кўпгина мунажжимларни қизиқтиргани ҳам бежиз эмас (Яна битта кашфиёт. Маърифат, 2001, 13 июн, 3-бет). Бу ўринда тилга олганларимиз ҳозирча маълум бўлганлари бўлиб, тиббиёт, жўғрофия, тилшунослик, адабиётшунослик ва бошқа соҳаларда яратилган асарларнинг кашф этилиши эҳтимолдан холи эмас.

Демак, мадраса ва мадрасаи олиялар ўша даврнинг дорилфунун-университетлари сифатида олий таълим тизимида турли соҳа бўйича кадрлар етиштиришда катта мавқега эга бўлган.

XI асрда ҳам бу фаолият давом этган, янги мадрасалар қурилган, масалан, Қорахонийлардан Томғочхон Шоҳи Зинда мажмуасида мадраса қурдирган ва у Қусам мадрасаси номи билан машҳур бўлган. Шу асрда Самарқандга келган машҳур Умар Хайём ана шу мадрасалардаги мударрислардан сабоқ олган ва алгебрага доир рисоласини араб тилида шу заминда яратган.

XII аср охири ва XIII асрда яшаб фаолият кўрсатган ҳандаса соҳасининг донишманд нужумшуноси Шамсиддин Муҳаммад ибн Ашраф ал-Ҳусайний Самарқандий ақлий ва нақлий билимларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ўнинг ҳайъат-астрономияга оид асарлари кейинчалик Мирзо Улуғбек мадрасаси олияси мажмуасида ўрганилган ва уларга шарҳлар битилган. Олим ва носир Низомий Арузий Самарқандий шу мадрасаларда таълим олиб вояга етди ҳамда ўзининг машҳур "Мажмаъ ун-наводир" (нодир ҳикоятлар) ёки "Чаҳор мақола" (Тўрт мақола) тарзида аталган асарини битди.

XIII асрнинг бошлари ва XIV асрнинг 70-йилларигача бўлган даврда, яъни мўғуллар истилоси вақтида ҳамма соҳада бўлгани каби таълим тизими, жумладан, олий таълим тизими-мадрасалар фаолияти ҳам катта талофатга учради. Аммо таълим тизими, жумладан, олий таълим даргоҳлари — мадрасаларнинг фаолияти батамом тўхтаб қолган эмас эди. Чунки XIV асрнинг 60-йилларида Самарқанд сарбадорларининг чингизий истилочиларга қарши курашида уларнинг ташкилотчиларидан бири сифатида мадраса толиби илми Мавлонозода Самарқандийнинг номи тилга олинади. Демак, бу даврда мадрасалар фаолият кўрсатган, уларда мударрис ва толиби илмлар ҳам бўлганлар.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, бу даврдаги мадрасалар ўқув жараёнида нақлий илмларга мойиллик кўпроқ бўлган кўринади.

XIV асрнинг 70-йилида Соҳибқирон Амир Темур ҳокимиятга эришиб, Самарқандни пойтахт сифатида танлагандан сўнг унинг ҳар жиҳатдан мукаммал ва намунали бўлишига алоҳида диққатни қаратди. Бу ҳол анча издан чиққан таълим тизими, жумладан, олий таълим масканларини қуриш бўйича чиқарган фармони ҳамда уларни юқори малакали мударрислар билан таъминлаш соҳасида ғамхўрлик қилиб, Саъдиддин Масъуд Тафтазоний, Саййид Шариф Журжоний, Салоҳиддин Мусо Қозизода Румийни таклиф қилинганидан ҳам билинади. Натижада Самарқандда олий таълим тизими мадраса ва мадрасаи олияларнинг фаолияти янги босқичга кўтарилди. Бу тадбирлар, хусусан, Мирзо Улуғбек даврида ўзининг улкан самараларини берди.

Маълумки, Мирзо Улуғбек даврида кўп мадрасалар фаолият кўрсатарди: Идигу Темур, Қутбиддин Садр, Амир Шоҳ Малик, Бибихоним ва бошқалар қурдирган мадрасалар. Шунга қарамай Мирзо Улуғбек Бухоро, Ғиждувон ва Самарқандда янги мадрасалар қурдирди. Унинг Самарқандда қурдирган мадрасаи олия мажмуаси эса ўзининг кўп фазилатлари билан, жумладан ҳам олий таълим маскани-мадрасаи олия ҳамда илмий тадқиқот маркази-расадхонани ўзида мужассам этганлиги жиҳатидан бошқа мадрасалардан тубдан фарқ қиларди. 1420 йилда таъсис этилиб, ўз фаолиятини бошлаган Мирзо Улуғбек мадрасаи олия мажмуасида ҳам нақлий (диний), хусусан, ақлий (табиий) фанлар бўйича олий маълумотли кадрларни тайёрлашда ниҳоятда катта муваффақиятларга эришилди: унда жаҳоний аҳамиятга эга бўлган кашфиёт- "Зижи жадиди Кўрагоний" (юлдузлар жадвали)ни майдонга келтиришда ҳисса қўшган етук донишмандлар (Али Қушчи...) етиштирилди.

Бунга илова тарзида гуманитар фанлар соҳасида тайёрланган кадрларни ҳам (Абдураҳмон Жомий) эслатмоқ ўринлидир.

Бунинг асосий омиллари шундан иборат эдики, бу масканда исломий тамаддун ҳудудларида (Мовароуннаҳр, Туркия, Эрон, Араб мамлакатларида) олий таълим тизими мадраса ва мадрасаи олияларда қўлга киритилган ютуқлардан баҳраманд бўлиш билан бирга ўзига хос йўналиш, яъни ақлий фанлар, хусусан, астрономия, математика, геометрия, алгебра, жўғрофияларни чуқур ўрганиш танланган эди. Иккинчидан, Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясида ўша даврнинг энг машҳур алломалари (Қозизода Румий, Ғиёсиддин Кошоний, Али Қушчи Самарқандий, Аълам ул-уламо Фазлуллоҳ Абулайсий, Мирзо Улуғбекнинг ўзи...) мударрислик қилар ва илмий тадқиқотлар олиб борар эдилар. Учинчидан, Мирзо Улуғбек мадрасаи олиянинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча моддий ва маънавий шароитларни, бой кутубхонани муҳайё этган эди. Шунинг учун бу мадрасаи олия Самарқаддагина эмас, балки Мовароуннаҳр ва Шарқнинг бошқа мадрасаларига намуна ўрнак эди. Унда таълим олиш, унинг ижозатнома-дипломига эга бўлиш учун бутун шарқ мамлакатларидан толиби илмлар келарди. Машҳур олим ва фузалолар ташриф буюрарди. Мазкур мадрасаи олия мажмуасининг Мирзо Улуғбек бошчилигидаги мударрислари ва илмий ходимларининг улуғ кашфиёти — "Зижи жадиди Кўрагоний", астрономия, геометрия, тарих ва гуманитар фанларнинг бошқа соҳаларидаги қатор рисола ва шарҳлари бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, 1420 йилда таъсис этилган Мирзо Улуғбек мадрасаи олия мажмуаси улуғ олим ҳаётлиги вақтида, яъни, 29 йил давомида ҳам олий таълим тизими ҳамда илмий тадқиқотларни ривожлантиришда қўлга киритган улкан муваффақиятлари билан машҳур бўлиб, олий таълимимиз тарихида алоҳида саҳифани ташкил этди.

Мирзо Улуғбекнинг фожеавий вафотидан (1449) сўнг ҳам мадрасаи олиянинг фаолияти XX асрнинг 20-йилларигача давом этди. Аммо бу даврда Самарқандда бино қилинган қатор янги мадраса ва мадрасаи олиялар (Шайбонийхон, Мир Тархон, Шердор, Тиллакори ва бошқалар) каби Мирзо Улуғбек мадрасаи олияси фаолиятида ҳам гуманитар фанлар (нақлий илмлар) йўналиши ақлий (табиий) фанларга нисбатан устунлик қилиш руҳида давом этди. Давр тақозосига кўра олий таълим тизими даргоҳлари йўналишларининг замон талабларига мослашуви ходисаси фақат Самарқанд мадраса ва мадрасаи-олиялари фаолиятида учрайдиган ҳодиса бўлиб қолмай, балки, охирги маълумотларга кўра, бундай хоҳ бошқа ўлкалардаги, жумладан, Ғарб мамлакатларидаги Тарту (Эстония), Уппсала (Швеция), Утрехт (Нидерландия), Копенгаген (Дания) ва бошқа университетларнинг фаолиятида ҳам содир бўлган, аммо ҳар икки минтақада ҳам олий таълим тизими даргоҳлари мадраса, мадрасаи олия, университетлар ўз фаолиятларини давом эттирганлар. Шунинг учун Ғарб мамлакатларидаги университетлар таъсис тарихларини ўша илк майдонга келган даврлардан бошлаб ҳисобга оладилар ва бу билан асосли равишда фахрланадилар.

Бас шундай экан, нега биз ўз олий таълимимиз ildизлари ва унинг даргоҳлари мадраса ва мадрасаи олияларнинг қадимий тарихини ҳисобга олмай, уларни, яъни олий таълим тизими ва уларнинг даргоҳлари тарихини XX аср бошлари — шўролар даврида қайта тикланишидан бошлар эканмиз?! Бу билан, турли хил ва даражада бўлишидан қатъий назар, узлуксиз давом этган олий таълимимизнинг теран ildизлари, унинг даргоҳлари бўлмиш мадраса ва мадрасаи олияларнинг бўлганлиги ҳамда бой тарихини инкор этмаймизми?

Ваҳоланки, мустақиллигимизнинг улуғ неъматларидан бўлган бой тарихимизни англаш, қадрлаш воситасида ўзлигимизни таниш ва жаҳонга танитиш имконияти майдонга келган бир вақтда бу масалани теран тафаккур ила ҳал этиш тарихий ҳақиқатни барқарор қилади.

Ана шу нуқтаи назардан Самарқанддаги олий таълим тизими ва унинг даргоҳлари мадраса, хусусан, Мирзо Улуғбекнинг мадрасаи олияси анъаналарини янги давр тақозоси ва талабларига мос давом эттираётган Самарқанд давлат университетининг таъсис этилишини Мирзо Улуғбек мадрасаи олия мажмуаси таъсис этилган 1420 йилдан деб ҳисоблаш ворисийлик мантиқи ҳамда олий таълим тизими даргоҳлари (мадраса, мадрасаи олия-университет) тарихининг узлуксизлигини таъминлайди. Чунки XX асрнинг 20-йилларида фаолияти мажбуран тўхтатилган Мирзо Улуғбек мадрасаи олияси аввалида олий педагогика институти, сўнг педакадемия, кейинчалик Ўзбек Давлат университети ва ниҳоят, Самарқанд Давлат университети деб аталган табаррук даргоҳда ўз анъаналарининг янги замон талаблари асосида давом эттирилаётганини, яъни юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларини замонавий эҳтиёж ва илмий технология асосида ривожлантиришда улкан ҳисса қўшаётганини кўради. Худди ана шу мазмун машҳур академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг 1948 йилда ёзилган "Самарқанд учун" шеърида ҳам кузатилган:

Ишқу вафоларнинг "Хамса"син ёзган
Жомий, Навоийнинг асрий нидоси
Ҳали гунбазидан ғўнғирлаб келур
Олимлар баҳсининг акси садоси.

Улуғбек юлдузлар сирин фош этиб,
Сўник шам олдида тақдим этди бош.
Маърифат офтоби ўчмакни билмас,
Топталмас тупроққа тушганда қуёш...

Ватанга жамоли жаҳон орони,
Бергувчи фарзандлар бешиги бу ер.
Шарққа маърифатнинг аниқ юзини,
Бениқоб кўрсатган эшиги бу ер.

Оталар одатин тутиб назарда
Келтирдим дўстларга атаб гулдаста,
Чунки Самарқанд бу ЎзГУ демақдир
Шоирнинг жони ҳам унга пайваста.

Демак, шоир Самарқанд мадрасалари, хусусан, Мирзо Улуғбек мадрасаи олияси гумбазлари остида олимлар олиб борган илми баҳсларнинг акси садоси ЎзГУ ҳозирги Самарқанд давлат университетида жаранглаётганлигига ишора қилмоқда. Шоирона таъбир билан айтилган ҳақиқатдир бу!

Ботурхон ВАЛИХЎЖАЕВ,
академик

ТАҲРИРИЯТДАН: Мазкур мақолада мамлакатимизда таълим-тарбия тизими, жумладан, олий таълим ўзининг қадимий тарихига, турли соҳаларда етук кадрлар тайёрлаш механизмга эга эканлиги Самарқанд университети ибтидоси орқали ёритишга ҳаракат қилинган. Айнан шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги олий ўқув юртлари (Тошкент, Бухоро, Термиз, Қарши, Фарғона, Хоразм ва ҳ.к.) ҳам ўз тарихига, анъаналарига ва албатта, бой меросига эга. Ҳозир уларда фаолият кўрсатаётган фидоий олимларимиз ўз илм масканлари ўтмиши билан қизиқиб, уни тадқиқ этиб бугунги авлодларга етказишса фойдадан холи бўлмас эди. Қолаверса, бу хайрли иш анъаналаримизни, миллий қадриятларимизни тиклаш доирасидаги муҳим масала сифатида ҳам жуда аҳамиятлидир.

лиши мўлжалланган. Умуман олганда ушбу нашр аждодларимиз томонидан тамал тоши қўйилган ҳамда жаҳон илм аҳли томонидан эътироф этилган математика, физика борасидаги салоҳиятни тиклашга ҳамда уларга ёнма-ён ривожланиб бораётган XXI аср фани — информатикани тараққий топтиришга ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз. Шу ўринда янги пайдо бўлган ушбу журналларнинг асосий ўзига хослиги, яъни уларнинг илм — илм учун эмас, илм — амалиёт учун тамойилига асосланган ҳолда шакллантирилишини айтиб ўтмоқ жоиз. Негаки уларда берилаётган кичик материалдан то катта-катта мақолаларгача бир талаб, яъни қандайин назария бўлса тўлиғича амалиётда ўз тасдиғини топиши зарурий шарт сифатида қўйилади.

Вақтли матбуот нашрлари ичида тезкорликда, оммавийликда, албатта газетага тенг келадигани йўқ. Юқорида таъкидлаганимиздек, янгиланаётган таълим тизимида, айниқса, унинг ўрни бўлакчадир. Ўтган ўқув йилининг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб барча таълим турлари ўқув дастурларига киритилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани ва унинг таркибига киритилган ўрта умумий таълимдаги "Одобнома", "Ватан туйғуси" ва "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" предметлари бўйича ҳам биз илк манбаларни бош нашримиз — "Маърифат" газетаси орқали ўқитувчиларимизга етказдик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича таълим дастурини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан ҳам "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталарида тажрибавий методик тавсиялар, мавзулар режаси тез орада, кўп нусхада амалиётчи ўқитувчиларга тақдим этилди. Ҳозирда мазкур ўқув фанларидан давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, режа ва дарсликлар чоп этилган бўлса-да, уларни тўлдириб бориш ва дарсларни самарали ташкил этиш мақсадида "Маърифат" газетасида янги — "Миллий истиқлол ғояси" рукни ташкил этилди. Унда махсус ташкил этилган методологик комиссия тавсиялари асосида ҳозирда ўндан ортиқ методик ҳамда бевосита ушбу фанлар мавзуларини мазмунан бойитишга хизмат қиладиган қўшимча манбалар, адабиётлар берилди.

Албатта, ушбу ютуқлар қатори нашрларимиз фаолиятида муаммолар, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Аввало, матбуот ўз хусусиятидан келиб чиқиб, ўз сўзи кучи таъсиридан фойдаланган ҳолда жойлардаги мавжуд салбий ҳолатларни холисона ёритиш орқали уларни бартараф этишда фаоллашмоғи керак. Бу борада вақти-вақти билан берилиб борилаётган "Икки хил манзара" рукнини мунтазам ташкил этиб бориш ўринли, деб ўйлаймиз. Негаки, қолоққа илғорни ибрат қилиб, унга ёнидаги ҳамкасбининг тажрибасини кўрсатиш йўли билан ўз камчиликларини бартараф этиш йўлларини ўргатиш асосида ёрдам бериш энг мақбул йўлдир.

Иккинчидан, республикамиздаги илғор педагогларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш уларни янги педагогик технологияларга таяниб, ижодкорлик билан ташкил этаётган дарсларини таҳлил қилиб, бошқалар қўллаши мумкин бўлган даражада ёритиш ҳам муҳим масалалардан бири. Албатта, буларнинг барчаси учун журналистик маҳоратдан ташқари педагогик билим ҳам талаб этилади.

Шу маънода вақти-вақти билан матбуот ходимлари учун таълим-тарбия соҳаси мутахассислари томонидан мақсадли курслар ташкил этиш уларнинг педагогик билимини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Бу каби муаммоларнинг ҳал этилиши матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий тўртинчи ҳокимият сифатида янада тўлақонли намоён бўлишини ҳамда мамлакатимиз тараққиётига ўз муносиб улушини қўшишини таъмин этади.





ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Олотдаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг янги, замонавий биносини «Бухороролқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул бунёдкорлари 29 ой ичида бунёд этишди.

Ҳашаматли бино 54 та ўқув-лаборатория хоналари, 312 ўринли мажлислар зали, 224 ўринли ошхона ва 100 ўринли ётоқхонадан иборат. Бу ерда 750 нафар олотлик ёшларнинг таълим олиши учун барча шароит муҳайё этилган.

Ўнлаб йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашга ихтисослашган ушбу коллежнинг ўқув жиҳозлари учун 151 миллион сўм сарфланди. Коллежга яқин келажакда Осиё тараққиёт банки кўмагида энг замонавий ўқув техникалари келтирилади.

«Туркистон-пресс»

КУН ТАРТИБИДА — МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК

Ўзбекистоннинг бағри кенг, у нафақат ўзбек деган миллатнинг, балки минглаб рус,корейс,қозоқ ва қирғиз,тожик ва татар миллатига мансуб кишиларнинг ҳам Ватанидир.

Тошкент электротехника алоқа институтига таклиф қилинган "Республика Байналминал маданий маркази Ўзбекистон Халқ бирлиги ҳаракати" атрофига уюшган бир қанча марказ раҳбарларининг юзларидан ҳам шу маънони уқиш мумкин эди.

Институтнинг маънавий-маърифий масалалар бўйича ректор муовини Неъматилла Мўминов ҳаракат раиси Каримжон Расуловга сўз бергач, аудиторияга миллатлараро тотувликнинг нақадар улуғ туйғу эканлигидан далолат берувчи кайфият чўкди.

Учрашувда Корея миллий маркази раҳбари Владимир Шин, Украина миллий маркази раҳбари Николай Зинченко, Озарбойжон миллий маркази раҳбари Рустам Исмоил ўғли сўзга чиқишиб, институтда таҳсил олаётган турли миллат вакиллари билан ўзаро мулоқот уюштиришди. Саволлар тўпланиб қолган экан, талабалар марказ раҳбарларидан ўзларини қониқтирадиган жавоблар олишди.

Дарҳақиқат, дўстлик ва инсонларнинг бир-бирларини тушуниб, ўзаро ҳурматда бўлиб яшашлари ҳам истиқлолни мустаҳкамловчи омилдир.

Мухбиримиз.

ЁШ БИОЛОГЛАРНИНГ ТАНЛОВИ

2001 йил 13-16 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида республика бўйича иқтидорли ўқувчиларнинг биология фани бўйича танлов олимпиадаси ўтказилди. Унда республикамиз вилоятларидаги академик лицейлар ҳамда жорий йилда ўтказилган фанлар олимпиадасида 1-ўринни эгаллаган 10—11-синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва ЎМКҲТМ биргаликда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг биология факультетида йирик биолог олимлар иштирокида ўтказилиб, ўқувчиларнинг билимлари атрофлича текширилди ҳамда 64 ўқувчидан 12 ўқувчи ғолиб деб топилди.

Танловда ботаника, зоология, "Одам ва унинг саломатлиги", "Умумий биология"дан ва "Генетика"дан 1 та масала бўлиб, ўқувчилар жами икки вариантда 5 тадан саволларга жавоб бердилар.

Унда Илҳом Абдураҳмонов, Мақсуд Эргашев, Сардор Зубтиев, Шаҳноза Олимбоева, Истам Шукуров, Нурали Жўраев, Феруза Юсупова, Уйғун Қосимов, Мадина Пўлатова, Ўткир Бобоев, Феруз Акромов, Моҳигул Турсуновалар танлов ғолиблари деб ҳисобландилар.

Ўқувчилар Самарқанд Давлат университетида мутахассис олимлар иштирокида тайёргарлик кўрадилар. Сўнгги босқич ўтказилга, ғолиб чиққан 6 ўқувчи биология фанидан халқаро олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Танлов сўнгида СамДУ проректори Ҳ.Худойназаров танлов ғолибларини эълон қилиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

С.ОРИФХЎЖАЕВ,
РТМ табиий билимлар бўлимининг бош методисти

Кимё фани шундай сеҳрли оламки, унинг ичига кирган ҳар қандай ўқувчи беихтиёр шу фан асирига айланади. Янги моддаларнинг ҳосил бўлиши, оловсиз суюқликнинг қўл куйдириши... Буларнинг ҳаммаси муаллимнинг юксак маҳорати орқали бола шуурига оқиб киради.

Суратда: Бекобод тумани 6-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси М. Каримова дарсда.

Даврон АҲМАДОВ олган сурат.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА САРИ

Пойтахтимиздаги Тошкент Давлат техника университетида "Ёш математиклар" олимпиадасининг дастлабки босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 91 нафар ёш математик уч кун давомида математика фанидан қай даражада билимга эга эканликларини намойиш қилиб, ўзаро куч синашишди. Ушбу беллашувдан ғолиб сифатида 19 нафар ёш математик танлаб олинди.

Саралаб олинган ушбу 19 нафар ғолиб 2002 йилнинг апрель ойида яна бир карра ўзаро куч синашадилар. Бу 2-босқич тайёргарлиги ҳисобланиб, ундан яна 12 нафар ўқувчилар саралаб олинади. Сўнгги 3-босқич беллашувида ғолиб чиққан 6 нафар ўқувчи Англиянинг Глазго шаҳрида бўлиб ўтадиган 43-халқаро ёш математиклар олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Ҳозирда юқоридаги 19 нафар ёш математиклар ЎзМУ математика кафедраси мудири, профессор Носир Тошхўжаев рахбарлигида тайёргарлик ишларини олиб боришмоқда.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

Мамлакатимизнинг яна 5 та мактаби халқаро ЮНЕСКО сертификатини олди

Бугунги кунга қадар республикамизда ЮНЕСКО ташкилотининг бирлашган мактаблар дастурига 21 та умумтаълим мактаблари аъзо эди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган тантаналар ЮНЕСКОнинг ушбу дастурига давлатимизнинг яна бешта — Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 1- мактаб гимназияси, Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 14-мактаби, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 27-, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1- ҳамда Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 31-мактабларининг аъзоликка қабул қилинишига бағишланди.

Тантанани Республика Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов очиб, янги аъзоларни қутлади.

Шундан сўнг ўз навбатида сўз олган халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекис-тондаги вакили Алишер Икромов ушбу ташкилотнинг бирлашган мактаблар дастурига қўшилаётган Ўзбе-кистон мактабларининг сони йил сайин ортаётгалигидан мамнунлигини билдириб ўтди.

— Маълумки, ЮНЕСКОнинг мазкур дастурига мувофиқ, — деди ўз нутқида нотиқ, — дунёнинг 6 мингга яқин мактаблари аъзоликка қабул қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактабларнинг ушбу дастурга аъзолиги имтиёз эмас, балки масъулиятдир. Чунки дастурга асосан ташкилот мактаблар фаолияти ривожига хайрхоҳ, моддий жиҳатдан кўмакчи, холос. Ташаббус, тараққиётга интилиш, ўқитиш самарадорлигини ошириш эса мактаб раҳбарияти ва жамоасига боғлиқ.

— Дарвоқе, ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилинишида ҳам аввало, мактабда олиб борилаётган ишлар кўлами ҳал қилувчи аҳамиятга эга, — дейди биз билан суҳбатда ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилинган Марғилон шаҳридаги 27-ўрта мактаб директори Маҳбуба Мадраҳимова. — Сирасини айтганда, мактабимизда янгиликка интилувчи мураббийларимиз кўп. Уларнинг ташаббуслари билан мактабда ўз-ўзини бошқаришнга амал қилинади. Бу ўқувчиларнинг дунёқарашларини кенгайтиришда, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини оширишда муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, мактаб жамоасининг чорвачиликка ихтисослашган ўз хўжалиги бўлиб, ундан тушган даромадлар мактаб кутубхона заҳирасини бойитишга ҳамда кам таъминланган оила фарзандларига дарсликлар ва кийим-кечаклар олиб беришга сарфланмоқда.

Ушбу талабларни теран англаган Сирдарё вилояти 21-мактаб, Наманган, Нукус, Бухоро, Изboскан туманларидаги янги ташкил топган ЮНЕСКО сертификатини олган мамлакатимизнинг бошқа мактабларидаги 1999 йилда ташкил этилган жамоат таълим марказларининг фаолияти ҳам халқаро мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. ЮНЕСКО ташкилоти эса ушбу марказлар ишини янада ривожлантириш мақсадида 30 минг АҚШ доллари миқдорида компьютер ва бошқа техник воситалар билан таъминлади.

Эътиборлиси, ушбу марказларда ўқувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларнинг ота-оналари учун ташкил этилган турли ўқув курслари, касбга йўналтириш ҳамда кичик бизнесни ривожлантиришга доир тадбирларнинг мунтазам амалга оширилишидадир. Энг асосийси, ЮНЕСКО ташкилоти мактабларида демократия, инсон ҳуқуқлари, тинчликсеварлик, экологияни асраш, миллий қадриятларни қадрлаш каби умуминсоний ғоялар илгари сурилиб, илм масканлари ўртасида турли тадбирлар, ўзаро тажриба алмашиш кенг йўлга қўйилган. Ҳозирда юртимиздаги мавжуд ЮНЕСКО мактаблари ўртасида ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб, ҳар йили тажриба алмашиш мақсадида учрашувлар ўтказиб борилади. Бу эса ёшларимизнинг ўз Ватанлари, унинг тарихи ва халқнинг урф-одатлари ҳақидаги билимларининг кенгайишига сабаб бўлаётир. Зотан, дунёни англаш ўзликни англашдан бошланади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар

Сиз Конституцияни биласизми?

Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази, "Маърифат" газетаси таҳририяти танлови

31. Ушбу конституциявий қоидада тушириб қолдирилган сўзларни топинг. "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ... у айбдор ҳисобланмайди".
A) ошкора тергов қилиниб, гумондор ҳисоблангунча
B) кўриб чиқилиб, гумондор ҳисоблангунча
C) объектив тергов қилиниб, айбдор деб топилмагунча
D) объектив ва тўла далиллар топилиб, айбдор деб топилмагунча
E) ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча

32. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, фикр юритиш эркинлиги қайси ҳолда чекланиши мумкин?
A) сиёсий нуқтаи назардан
B) давлат сирига тааллуқли бўлса
C) субъектив мулоҳаза юзасидан
D) давлат манфаатларига асосланган ҳолда
E) бундай ҳолат қонунда белгиланмаган

33. Конституцияда барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга нимани яратиб бериши лозим, деб белгиланган?
A) уларни қизиқтирган исталган ҳужжат билан танишиш имкониятини
B) уларни қизиқтирган исталган маълумотни бериш имкониятини
C) уларни қизиқтирган исталган ҳужжатлар, қарорлар, материаллар билан танишиш имкониятини
D) уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл-дор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини
E) A,B,C.

34. Ўзбекистон Конституциясига қуйидагилардан қайси бири мос келади?
A) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар
B) Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашуви референдумлар орқали амалга оширилади
C) Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашуви давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади
D) Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки уларнинг шахсан қўшилиши орқали амалга оширилади
E) Фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эркинлик ҳуқуқига эга

35. Кимлар ваколатли органга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга?
A) ҳар бир шахс
B) ҳуқуқ ва эркинлиги бузилган шахс
C) қадр-қиммати поймол этилган шахс
D) A,C
E) B,C

36. Конституцияга мувофиқ кимлар мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга?
A) ҳар бир шахс
B) ҳар бир фуқаро
C) фақат ашёга, мулкка эга бўлган шахс
D) ашё амалда тегишли бўлган шахс
E) 18 ёшга тўлган шахс

37. Конституцияга мувофиқ, қуйидагилардан қайси бири ижтимоий ҳуқуқларга киради?
A) мулкдор бўлиш
B) фикр юритиш
C) малакали тиббий хизматдан фойдаланиш
D) A,B,C
E) A,C

38. Конституцияга мувофиқ, кимлар дам олиш ҳуқуқига эга?
A) ҳар бир ходим
B) Ўзбекистоннинг ҳар бир ишловчи фуқароси
C) ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар
D) Ўзбекистоннинг ҳар бир ёлланиб ишлаётган фуқароси
E) фақат катта ёшдаги ходимлар

39. Ушбу конституциявий қоидада қайси сўз тушириб қолдирилган? "Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ... ҳурмат қилишга мажбурдирлар".
A) ҳуқуқларини
B) эркинликларини
C) шаъни ва қадр-қимматини
D) A,B
E) A,B,C

40. Қуйидагиларнинг қайси бири Конс-титуциямизда мустаҳкамланган қоида мазмунига мос келади?
A) Давлат иқтисодий фаолият эркинлигини кафолатлайди
B) Давлат тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлайди
C) Давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини кафолатлайди
D) A,B
E) A,B,C

ТУЗАТИШ:

Газетанинг шу йил 12 декабрь сонида эълон қилинган 11 дан 20 гача бўлган саволларнинг тартиб рақами баъзи техник сабабларга кўра хато кетиб қолганлиги учун ушбу саволларни 21 дан 30 гача деб тартиб билан ўқилишини сўраймиз.

БОЛАЛАРНИНГ КЎНГЛИНИ ТОПИБ...

Maktabgacha ta'lim

Жиззах шаҳридаги 8-"Ниҳол" мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси нафақат шаҳарда, балки вилоят миқёсида ҳам кўзга кўринган таянч муассаса ҳисобланади. 1970 йилда ташкил этилган болалар боғчаси 1996 йилда мактабгача ва бошланғич таълим муассасасига айлантирилди. Мазкур болалар гулшанида 7 та гуруҳ ва 4 та синф мавжуд бўлиб, уларда 360 нафар жажжи ширинтой таълим-тарбия олаётир.

Кичкинтойларнинг иккинчи уйларига айланиб қолган боғча гуруҳларида бир-биридан меҳрибон 12 нафар тарбиячи таълим-тарбия ишлари билан машғулдирлар. Уларга ўзи ҳам тиниб-тинчимайдиган, атрофдагиларнинг ҳам бирор дақиқа фурсатини бекор ўтказишларига йўл қўймайдиган жонкуяр услубчи Шоира Қодирова ҳар бир ишда бош-қошдир.

— Шоира жамоанинг юраги, — дейди муассаса раҳбари Дилором Обидова.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам муассаса педагоглари ҳар бир куннинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, кичкинтойларни дунё сир-асрорларидан воқиф қилишга, уларнинг атроф-олам ҳақидаги тасаввурларини ёшларига мос равишда кенгайтириб боришга ҳаракат қилишади. Бу борада, албатта, Шоирага, кундан-кунга керакли материаллар билан бойиб бораётган услубхонага мурожаат қилишади, ундан зарур маслаҳатлар олишади.

Болалар муассасасида доимо анъанага айланган турли тадбирлар, байрам ва эрталиклар, кўрик-танловларга тайёрланишда, уларни хотирасида сақланиб қоладиган қилиб ўтказишда Шоира тарбиячи ва ўқитувчиларнинг энг яқин ёрдамчисидир. У турли қаҳрамонлар образларини яратиб, эрталик ва байрамларнинг янада жонли, қизиқарли ўтишига сабабчи бўлади. Масалан, бир қарасангиз, Шоира Карло ота, бир қарасангиз Ялмоғиз кампир, Карлсон қизиқчи, Насриддин афанди. Хуллас, у яратган образларнинг сон-саноғи йўқ.

Ш.Қодирова ёш ниҳоллар қалбига йўл топа олган моҳир педагог, ҳақиқий болажон инсон. Умрини дилбандларга бахшида этган инсонларда бўладиган барча хусусиятлар — артистик маҳорат, ишонтира олиш қобилияти, яратувчанлик, фантазияга бойлик, эстетика-дид, энг асосийси фидойилик Шоирада мужассамлашган.

Болалар учун энг яқин ва қизиқарли фаолият — бу ўйин. Шуни англаб етган муассаса педагоглари мавзуларни кичкинтойларга содда ўйинлар ёрдамида тушунтириб, самарали натижаларга эришишмоқда. Барча гуруҳларда Мария Монтессори услубидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам услубчи раҳбарлигида турли фаолиятларда қўллаш мумкин бўлган кўплаб кўргазмали қуроллар, ўйинларни ўз қўллари билан тайёрлашдан зинҳор эринишмайди. Масалан, табиат билан таништиришга оид "Бу қайси ўсимликнинг гули?", "Қайси дарахтнинг меваси?"; математикага оид "Мос сонни топ!", "Геометрик фигуралардан шакл яса!"; теварак-атроф билан таништиришга оид "Бу буюм қайси касб эгасига тегишли?"; саводга ўргатишга оид "Қайси ҳарфдан бошланади?", "Шу ҳарфга сўз топинг!" кабилар шулар жумласидандир.

Болаларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш мақсадида "Кубиклардан шакллардаги расмларни чиқар!" (мевалар тасвирланган алоҳида кубиклар) каби ўйинлар Шоира Қодирова бошчилигидаги жамоа аъзолари томонидан ўткир дид ва ҳафсала билан болалар учун жуда қулай қилиб ясалганки, ҳозирги кунда улар мурғак қалбларнинг энг севимли ўйинларига айланиб қолган.

Муассаса услубхонасини вилоят мактабгача таълим масканлари орасида энг бой услубхона десак, муболаға бўлмаса керак. Ҳозирги замон талаблари даражасида жиҳозланган услубхонада тарбиячи ва ўқитувчилар ҳар бир мавзуни мақсадга мувофиқ ўтишлари учун зарур кўргазмали қуроллар мавжуд. Ҳар бир фаолият учун алоҳида бўлимлар бўлиб, улар мунтазам равишда тўлдириб борилади. Услубчи муассасада ўтказиладиган тадбир, эрталик, байрамлар сценарийлари, ноанъанавий машғулотларнинг ишланмаларини йиғиб боришга алоҳида эътибор билан қарайди.

Тарбиячиларнинг фаолиятларини назорат қилиб, ҳар чорак якунида "Тарбиячи экрани"ни янгилаб боради. Болалар билимини аниқлаш мақсадида ажойиб сценарийлар тузиб, кичкинтойлар севган бирор қаҳрамон образига кириб, жуда қизиқарли тадбирлар ўтказадики, шу оддий кунда фақат болаларгагина эмас, бутун жамоага байрам кайфиятини бахш этади.

"Ниҳол" муассасаси ВПХМОИ, Жиззах Давлат педагогика институти, Жиззах шаҳар касб-ҳунар коллежи ва бошқа муассасалар билан ижодий алоқа ўрнатган. Муассаса педагоглари уларнинг тингловчилари, ўқувчи ва талабалари учун очиқ машғулотлар, дарслар кўрсатиб туришади. Бу эса нафақат тарбиячи, ўқитувчиларнинг, балки уларнинг йўлбошчиси бўлган услубчини янада кўпроқ изланишга чорлайди. Шунинг учун ҳам Шоира тинимсиз ўз устида ишлайди, ҳар қандай янгиликни тез ўзлаштириб, амалга татбиқ этишга ҳаракат қилади. Натижада у меҳнат қилаётган жамоа шаҳар, вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган турли тадбирларнинг фаол иштирокчиси, ғолибларидан бири бўлиб келмоқда. Масалан, жамоа шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилган "Севимли ўйинчоқлар", "Митти малика" кўрик- танловларида ҳам 1-ўринни эгаллади.

Дилбар ХЎЖАЕВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

ҲАМ МУАЛЛИМ, ҲАМ АДИБ

2002 yil — Qariyalarni qadrlash yili

Давримизнинг таниқли ёзувчилари, ноширлари, адабий танқидчилари устоз Неъмат Арс-лоновга йўлланган мактубларида педагог ёзувчи, педагог журналист-нинг ҳикоячилик фаолияти тўғрисида илиқ фикрлар билдиришган.

Бугунги кунда Н.Арслонов ўзининг "Олдинда яна бир тун бор", "Аёл суврати-га чизгилар" каби китоблари, болалар тарбияси ва ўқитувчилар ҳаётига бағишланган ўнлаб ҳикоялари билан нафақат республикамизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам танилган.

Унинг асарлари "Звезда Востока", "Садойи Шарқ" журналларида босилган, қозоқ, қирғиз, татар тилларига ўгирилган.

"Адам водийси" ва "Мавҳумот" романлари устозга катта шуҳрат келтирди ва уни Ўзбек адабиётида модернистик йўналишнинг асосчиларидан бири сифатида танитди.

Биз ушбу мақолада Неъмат аканинг ёзувчилик ёки журналистлик соҳасида амалга оширган ишларини тадқиқ этмоқчи эмасмиз, мақсадимиз унинг педагоглик фаолияти тўғрисида айрим мулоҳазаларни ўртага ташлашдир. Биринчи навбатда шунга урғу бериш керакки, устоз ҳамиша шогирдлари даврасида. Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини 1965 йилда битириб келиб, ўрта мактабда,ҳозирда эса мана, 10 йилдирки Шаҳрисабз шаҳар ўқувчилар саройида ўзбек тили ва адабиёти фанидан ёшларга сабоқ бериб келмоқдалар.

... Педагогик ўйлар. Бу устознинг энг яхши машғулоти. Мамлакатда халқ таълими соҳасида чуқур ислоҳотлар жараёни кетаётган ва комил инсон тарбияси бош мақсад қилиб қўйилган бир паллада Неъмат Арслонов қўл қовуштириб ўтиришни истамайди.

Шу кунларда унинг бутун хаёли ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун асқотадиган қўлланмалар, тавсиялар, муаллифлик дастурлари тайёрлаш билан банд.

Устознинг бу борада амалга ошираётган ишлари бутунлай янгилиги ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан айниқса, қадрли. Унинг фаолиятида янгиликлар кўп. Шулардан бири — "Кутубхона машғулоти"дир. "Ёш қаламкаш" тўгараги аъзолари ҳар ҳафтада устоз бошчилигида шаҳар марказий кутубхонасига борадилар. Суҳбатларнинг энг қизиғи, энг таъсирчани шу ерда бўлади. Устоз бу борада қадимги юнон файласуфи Платон услубини қўллаётир. Гап шундаки, қадимги дунёнинг улуғ файласуфи шогирдларига машғулотни йўлда ўтган. Уларни Афина яқинидаги ўрмон четига, Академ деган жойга бошлаб борган. Ҳар доим ўша жойга бориш ва қайтишда йўл юра туриб сабоқ берган. Устоз Неъмат Арслонов ҳам шундай қилади. Йўлда, масалан, япон адабиёти классиклари тўғрисида суҳбат қуриб боради. Кутубхонада китоблар қаршисида туриб Акутагава, Ясунари Кавабата, Кобо Абэ ва бошқа машҳур япон ёзувчиларининг асарларини бирма-бир олиб кўрсатади. Болалар бир йўла китоб танлайдилар, ўз номларига ёздириб оладилар. Кутубхонадан қайтишда ана шу китоблар тўғрисида суҳбат бўлади.

Устознинг фикрича, бу усулни барча мактабдан ташқари муассасаларда, мактабларда, тўгарак машғулотларида жорий этиш керак.

— Энг асосийси, — дейди устоз, — бола қалбини китобга ошно қилишда. Бола китобга меҳр қўйдими, мақсадимга эришдим, деб ҳисоблайверинг.

Устоз ҳамиша янгиликка интилиб яшайди. Бутун дунёда табиатни муҳофаза қилиш энг муҳим масала бўлиб турган бир паллада мактаблар учун алоҳида экология дарсликлари нашр этиш, экопедагогикани шакллантириш, унинг шаклланган минтақаларини эса янги фикрлар билан бойитиш зарур деб ҳисоблайди устоз ва ўзи билан бирга меҳнат қилаётган барча тўгарак раҳбарларини ҳам шунга ундайди.

Устоз экология муаммоларини матбуотда кўп ёритган. Айниқса, унинг "Сўпитурғай қанотидаги хат" деб номланган рисоласи жуда муҳим масалаларни қамраб олганлиги билан қимматли. Муаллиф мақолада табиатни кўриқлашнинг ҳали тилга олинмаган жиҳатларига мурожаат қилади.

"Миллий тикланиш" рўзномаси бу мақолага алоҳида ўрин берди. Зеро, рисолада миллий қадриятларнинг табиат соҳасидаги йўналишлари кўтариб чиқилганди. Табиатни кўриқлашда халқимизнинг ўзига хос қадриятлари борлиги ва бу жавоҳирот сақланаётган сандиқ ёпиқлигича турганлиги, уни очиш, ундан баҳраманд бўлиш вақти етганлигига урғу берилганди мазкур рисолада.

Президентимиз томонидан 2002 йил — "Қарияларни қадрлаш йили", деб эълон қилиниши, устозга янада куч-қувват бағишлади. У қарияларни даврага тортиш хусусида, бу ҳам халқимизнинг қадимий қадрияти эканлиги ҳақида изланишлар олиб бориш ниятида.

Кўриниб турибдики, устоз Неъмат Арслон кўп қиррали ижодкор. Шунинг учун ҳам вилоятнинг Китоб, Қамаши, Яккабоғ, Чироқчи туманлари ва бошқа минтақалардан уни йўқлаб келувчи ижодкорлар, ёшлар кўп. Шуниси қувончлики, устознинг тинимсиз изланишлари самараси ўлароқ, бугун шогирдлари ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритиб келмоқдалар. Машҳура Қаҳҳорова "Нафосат" республика кўрик-танлови ғолиби бўлган бўлса, Малика Эшинова каби ёш ижодкорларнинг илк ижод намуналари республика матбуотлари юзини кўриб келмоқда.

Ғайрат ПЎЛАТОВ,
Мақсуд ҲАМРОЕВ,
Қурбон Али АЗИЗОВ,
журналистлар

ДАРСНИНГ ҚИЁСЛАШ УСУЛИ

Таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчиларига давлат тили бўлган ўзбек тилини ўргатиш долзарб вазифа. Ўзбек тилини мактабда чуқурроқ ўрганиш, касб танлаш ва меҳнат жараёнида уларнинг ўз ўрнини топа олишига кенг имкон беради. Бошқа миллат вакилларида, энг аввало, тил ўрганишдан олдин, ўзи яшаб турган Ватанга муҳаббат, садоқат, миллий урф-одатларига ҳурмат, унинг тарихини ва маданиятини ўрганишга қизиқиш туйғуларини шакллантириш лозим.

Ўзбек тилини ўргатишда рус ва ўзбек тилининг қиёсий грамматикасидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Икки тилнинг бир-бирига ўхшамайдиган хусусиятлари бор, бу ўқувчиларни қизиқтирмай қўймайди. Энг оддий қиёслашлардан бири, фақат ўзбек тилида инсонларга "ким" ҳайвонларга эса "нима" деб сўроқ берилиши, рус тилидаги род тушунчаси ўзбек тилида умуман ишлатилмаслиги, кишилар қайси жинсда бўлмасин, ўзбек тилида у деб мурожаат қилиниши каби мисоллар атрофлича тушунтирилади.

Чунончи, от туркумига оид синонимлар Ватан, юрт, диёр, сифат туркумига оид: гўзал, соҳиб-жамол, хушрўй, феъл туркумига оид синонимлар: урмоқ, дўппосламоқ, саваламоқ, равиш туркумига оид: олдин, аввал, илгари ва ҳоказо. Маълумотлар бериш ҳам ўқувчилар луғат бойлигини оширишга ёрдам беради. Омоним сўзларни ўргатиш ҳам ўқувчилар сўз бойлигини оширишга имкон яратади. Масалан: "Кўчада чанг-тўзон кўтарилди", "Укам чанг чалишни билади", "Тандирда кул йўқ", "Ўйна, кул, яйра" каби сўзларни таҳлил қилиб, фарқлари тушунтирилади. Омоним, синоним ҳатто, антоним сўзлар иштирокида гап тузилади. Буларда русийзабон ўқувчиларнинг луғат бойлигини оширишда грамматиканинг қонунлари қиёслаб тушунтирилса, мақсадга эришиш шунча осон кечади, ўқувчи тезроқ ва кўпроқ муддатга ёдида сақлаб қолади. Қисқаси, юқорида тилга олинган масалалар ўқувчиларда тил ўрганишга ўзига хос иштиёқ уйғотади.

Марям САИДМУРОДОВА,
Миробод туманидаги
31-мактабнинг
ўзбек тили ўқитувчиси

Масалан Жаҳон адабиёти намоёндаларининг шахсий ҳаётига оид мақолалар ҳам ўқитувчига ибрат намунаси бўлиши мумкин.

Шунингдек, келгуси йилда ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги янгиликлар, тажрибалар билан муштарийларимизни мунтазам таништириб боришни ният қилиб турибмиз.

Muharrir minbari

Таҳририятнинг ойнаси унинг ўқувчиси — муштарийлардир. Айниқса, бу муштарий зиёли бўлса, бу ойнадан ўз камчиликларингни янада тиниқроқ, янада аниқроқ кўрасан. Мазкур тадбир газетанинг ўн йиллик тўйи муносабати билан ташкил этилган бўлса-да, таҳририят ходимлари асосан муштарийларнинг таклифларини йиғиш, ўрганиш, қолаверса, танқидий фикрларни эшитиш учун жойларга чиқиб кўплаб учрашувлар ўтказдилар.

Бу учрашувлар нафақат таҳририят ходимларининг ҳаётида, балки газетанинг келгусидаги ҳаётида унутилмас из қолдириши шубҳасиз. Зеро, олинган таклифлар натижасида келгуси йилнинг режасини тузмоқдамизки, бунда амалга ошираётган ишларимизни маълум маънода такомиллаштириш нияти бор.

Маълумингизким, Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи бошланди. Муштарийлар ана шу босқич вазифалари қай даражада бажарилмоқда, қайси жиҳатлари яхши, нимаси яхши эмас ва нима учун каби қатор саволларга жавоб бўладиган янгилик ва мақолалар бериб боришимизни илтимос қилишди. Таҳририят ҳар бир таълим тури бўйича янгиликларни ёритиб бориш, муаммоларни кўтариш бўйича ишларини белгилаб олди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, таълим тизимига янги киритилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича ўқитувчиларимиз газетадан кўплаб ёрдам кутаётган эканлар. Ўқитувчиларга шуни яна бир бор маълум қиламизки, мазкур фан бўйича махсус ташкил этилган методологик комиссиянинг тафсиялари асосидаги мақолалар ёритилиши таҳририятимиз зиммасига юклатилган. Бугунги сонда чоп этилаётганини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг сони ўндан ошди. Биз ўқитувчиларимиздан ўзларининг илғор тажрибалари билан газета саҳифаларида иштирок этишларини сўраймиз.

Албатта, учрашувларда жуда кўп таклифлар билдирилди. Уларнинг аксариятини газетамиз саҳифаларида бериб бордик. Мавжуд бўлимларимиз уларни ўз режаларига киритдилар. Келгусида уларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Бу борада ишлар бошланди ҳам. Масалан, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда агар ўқув режаларига ўзгартириш киритиладиган бўлса, албатта, уни тегишли шарҳи билан газетада эълон қиладиган бўлдик.

Биз, асосан дарс жараёни билан шуғулланиб, мактабдан ташқари таълим тизимида фаолият кўрсатадиган мураббийларни бир оз унутиб қўйганлигимизни "ойна"мизга қараб англаб олдик. Умуман, бу борадаги турли хабар ва мақолалар бериб борилганлигини улар таъкидладилар, бироқ тажрибаларни кўпроқ ёритишни сўрадилар.

Газетанинг биринчи вазифаси янгилик ва зарур ахборотларни тарқатишдир. Шу боис кўпчилик материаллар ахборий хусусиятга эга бўлади. Муштарийларимиз эса натижаларни ёритиш билан бирга қандай қилиб шу натижага эришилганлигини ҳам батафсил ёзинглар, деган таклиф билан мурожаат қилишди. Билдирилган бу фикрни ҳам ўринли деб билдик, негаки мазкур саволга жавоб бериш воситасида бошқалар олдидаги мавжуд муаммога ечим топилиши мумкин.

Ҳуқуқий демократик давлат қурар эканмиз, аҳолининг ҳуқуқий маърифатини ошириш ҳам зиёлилар зиммасида. Бунинг учун эса уларнинг ўзлари ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўлиқ билиб олишлари лозим. Шу боис уларнинг истаклари билан "Ma'rifat" маслаҳатхонаси"ни мунтазам йўлга қўядиган бўлдик.

Муассисларимиздан бошқа ташкилотлар билан боғлиқ ишлар бўйича ҳам музокаралар олиб бордик. Хусусан, газетада турли фанлардан тест топшириқларини бериб бориш масаласини оладиган бўлсак, албатта, биз ҳам ўз имкониятимиз доирасида тестларни уюштиришимиз мумкин эди. Бироқ бу борада Давлат Тест маркази жуда катта тажриба тўпладди, табиийки, бу даргоҳда ишлайдиган мутахассислар тестларнинг мукаммаллик даражасини яхши биладилар. Ана шундай фикр билан марказ раҳбари Муҳсин ака Муҳиддиновга мурожаат қилганимизда, у киши таклифимизни қўллаб-қувватладилар.

Газета журналисти мавжуд ютуқ ва муаммоларни ажрата билиши лозим. Бироқ таҳририятда ишлайдиган озгина одам билан Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммасидан бохабар бўлишимиз қийин. Қолаверса, ўз йўналишидаги муаммони, унинг табиий ечимини ўқитувчининг ўзидан бошқа ким яхшироқ билиши мумкин? Шу боис, муҳтарам муштарийларимизни ҳамкорликка чорлаймиз.

МУШТАРИЙЛАР ЭҲТИЁЖИ — «MA'RIFAT»НИНГ РЕЖАСИ

ёхуд "Ma'rifat газетаси кунлари"нинг якунлари хусусида

"Ma'rifat" газетаси ходимлари муштарийларнинг барча талаб ва истакларини амалга оширишга ҳаракат қилишларини билдирдилар.

Шунингдек, келгуси йилда ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги янгиликлар, тажрибалар билан муштарийларимизни мунтазам таништириб боришни ният қилиб турибмиз. Қолаверса, ўқитувчиларга газетамизнинг дам олиш саҳифаларида бошқа турли мавзуларда қизиқарли хабарлар, жаҳонда юз бераётган сиёсий-ижтимоий воқеа-ҳодисалар шарҳлари ҳамда спорт оламидаги янгиликларни ҳозиргидан кўра кенгроқ ҳажмда, сифатли қилиб етказиб беришни ваъда берамиз

«БИЗ ҲАҚИМИЗДА ҲАМ ЁЗИШСА...»

дейди сирдарёлик зиёлилар

«Маърифат» газетаси кунлари доирасидаги муштарийлар билан учрашувлар Сирдарё вилоятида давом этди. Гулистон шаҳридаги 5-мактабда шаҳар педагоглари билан, Сирдарё туманидаги 1-мактабда туман таълим тизими ходимлари билан кечган ўзаро мулоқотлар анчайин самарали бўлганлигини таъкидалаш жоиз. Барча вилоятлардаги каби Сирдарёда ҳам таълим тизимида кечаётган чуқур ислоҳотлар ҳар бир соҳа ходимини, таълим муассасасини янгича ишлашга ва замон билан ҳамнафас фаолият олиб боришга ундаётганлиги бизни қувонтирди.

Аввал маълум қилинганидек, жойларда бўлган журналистларимизнинг асосий мақсади газетамизга зиёлилар муносабатини ўрганиш, уларнинг таклифлари, танқидлари ва фикрлари асосида келажак режаларимизни тузиш эди. Сирдарёдан ҳам жўяли таклифлар олиб қайтдик. Улар билан танишинг.

Светлана Ғуломова, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи:

— «Маърифат»да ёритилаётган мавзулар мундарижаси ниҳоятда бой, кенг қамровли бўлгани ҳолда, Сирдарё таълимида кечаётган жараён билан боғлиқ материаллар бироз сийракроқ. Бунинг сабаби вилоят педагогларининг матбуот билан ишлашда ортиқча камтарлик қилаётганида бўлса, ажабмас.

Акром Узоқов, Гулистон шаҳар ХТБ услубхона мудири:

— Муштарий газетанинг ҳар бир сонидан нимадир олиши керак. Масалан Жаҳон адабиёти намоёндаларининг шахсий ҳаётига оид мақолалар ҳам ўқитувчига ибрат намунаси бўлиши мумкин. Танқидий мақолаларнинг ижодий жараёнга кўрсатадиган самарали таъсири хусусида ҳам кўп гапирсак бўлади.

Дилбар Муҳиддинова, мактаб директори:

— «Маърифат» эндиликда ўқитувчи ва мураббийларимизнинг эҳтиёжига айланиб қолди. Келгусида газета ҳар бир фан мутахассисининг услубий ёрдамчиси сифатида қадр топиб бораверади, деб ўйлайман. Таклифим, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ёки муаллим ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатларида юзага келадиган муаммоли вазиятларда ҳам «Маърифат» бизга маслакдош бўлса.

Акмал Ашурматов, мактаб раҳбари:

— Биз ўз нашримиз саҳифаларида журналист кузатувларини, таҳлилий-танқидий чиқишларини кўпроқ кўришни истардик. Менимча, шундай материаллар газетхонга кўпроқ нарса беради.

Акром Каримов, ўқитувчи:

— «Маърифат»да мусиқа фани ўқитувчилари учун нота, қўшиқ матнлари бериб борилса. Ҳозирда ушбу фан бўйича методик қўлланмалар кам.

— Марҳабо Йўлдошева, ўқитувчи:

— Бошланғич таълим муаммолари, ёш педагогларга маслаҳатлар каби рукнлар кенгайтирилса айни муддао бўларди.

Бобожон Абдуалимов, Сирдарё туман ХТБ ташхис бўлими бошлиғи:

— Педагогик ташхис, иқтидорлиларни аниқлаш ва уларни қизиқишлари бўйича касбга йўналтириш юзасидан илғор тажрибалар газета орқали эълон қилинишини ҳоҳлардик.

Кўриниб тўрибдики, «Маърифат» ўз муштарийлари орасида синчиклаб ўқилаяпти. Буни юқоридаги фикрлардан ҳам билса бўлади. Шу ўринда таҳририят номидан газета муштарийларига бизнинг ҳам бир таклифимиз бор.

«Маърифат» билан ҳамкорлик қилинг!

Фахриддин КАРИМОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири

«Ma'rifat» gazetasi kunlari»

«МАЪРИФАТ» ТАЛАБАЛАРИ

Газета, журнал таҳририятини бадиийроқ ифода билан айтганда, мустаҳкам қалъага менгзаш мумкин. Бу қалъанинг тиргаклари, яъни ижодий кучи ва муассислари бор. Йиллар ўтгани сайин газета, журнал тахламлари қалинлашаверади. Ўз ўрнида таҳририят ходимларининг ёши улғаяверади. Бу эса ҳаётнинг абадий ва азалий қонунидир. Бинобарин, ҳар бир таҳририят ўз жамоасини ёш ижодкорлар ҳисобига тўлдириб, кенгайтириб боради.

Ҳозирги вақтда «Маърифат» газетаси таҳририятида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаларидан бир нечтаси фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида ЎзМУнинг фалсафа факультетида таҳсил олувчи, аммо журналистикага мойиллиги бор талабалардан бири ҳам ишлайди. Сўзни уларга берамиз.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА, мактаблар бўлими мухбири:

— Амалиётимни ўташ мақсадида «Маърифат» газетасига келиб, адашмаганимни ҳар куни фаолиятим давомида ҳис қиламан. Дастлабки амалиётимни «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими» бўлимида бошладим. Ҳозирда эса «Мактаблар бўлими»да фаолият юритмоқдаман. Таҳририятга келганимда ходимларнинг ўзгача самимийлик, ҳамжиҳатлик билан иш юритишлари менинг касбимга бўлган меҳримни яна бир поғона юқорига кўтарди. Таҳририятдаги фаолиятим давомида эса аниқ, тез ва юксак масъулият билан ишлаш лозимлигини ўрганяпман.

Ботиржон ҒОФУРОВ, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўлими мухбири:

— Талаба бўлиш ва таҳририятда ишлашнинг ер билан осмонча фарқини энди яхши англайман. Юртимизда олиб борилаётган таълим ислоҳотларининг туб моҳияти ва унинг машаққатларидан мутлақо бехабар эканлигимни «Маърифат» газетасида амалиёт ўтай бошлаган кунларимоқ яққол ҳис қилдим. Педагоглик касбини танласам бўлар экан, деган фикрга ҳам бордим. Лекин журналистика соҳасини эгаллаётганимдан мутлақо афсусланаётганим йўқ.

Ўқишдан сўнг таҳририятга шошиш,бу ерда нималардир қоралаш, бўлим муҳарриридан топшириқлар олиш, навбатчилик қилиш... Хуллас, талабалик давримнинг дастлабки босқичларидаёқ «пишияпман».

Шерзод АҲМАТОВ, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари муассасалар бўлими мухбири:

— Назарий билим пухта бўлса, журналист ҳар қандай жойда ишлаб кетавериши мумкин, деб ўйлаганларим аксинча бўлиб чиқди. Амалиётнинг қозонига тушиб «қайнаш» бутунлай бошқа нарса экан.

Ишга қабул қилингач, дастлаб ёзган хабарларимда ҳам «қовун» тушириб қўйган пайтларим бўлди. Бўлим муҳаррири тайёрлаган мақолаларимни деярли қайтадан ишлаб,қўздан кечириб берганда, ичимдан зил кетаман...Демак, биз ҳали ғўрмиз, таҳририятда ишлаётган тажрибали, кўпни кўрган ходимларнинг йўл-йўриқ ва маслаҳатлари бизга сув ва ҳаводек зарур. Газета — кўзгу. Унда ҳар бир ижодкор ўз аксини кўради.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўлими мухбири:

— «Маърифат»га абитуриентлик давримдаёқ ёзганларимни кўрсатишга келардим. Умуман мени, журналист сифатида учирма қилганлар ҳам шу «Ma'rifat»чилар. Бу ердаги муомала маданиятининг юксаклиги, келиб-кетувчиларга нисбатан эътибор туфайли бўлса керак, журналистика факультетининг эмас, фалсафа факультетининг талабаси бўлсам ҳам бу даргоҳга боргим келаверарди. Ҳамкорликни узмадим. Ҳозир эса ўқишдан ажралмаган ҳолда таҳририятда ишлаяпман. Чин маънодаги «Маърифат»га хос муҳит мен каби ёшларни ҳаётга ҳам тайёрламоқда.

Фарҳод ИРДАШЕВ, олий таълим бўлими мухбири:

— Аслида, талаба олий ўқув юртини тамомлаб, иш бошлаши керак. Ўқиш даврида бошланган амалиёт эса, уни етук мутахассис этиб тайёрлайди. Гарчанд ҳар кунги 3-4 жуфтлик машғулотлардан ҳориб-толиб чиқсам-да,шаҳарнинг у бурчидан бу бурчига, яъни иш жойимга шошаман. Чунки ўша ерда мен «газетачилик нима» деган саволга тўлиқ жавоб олдим. «Маърифат»да менга мақолалар ёзишда ўз ёрдамини аямаётган устозларимдан миннатдорман. Аминманки, менга кегусида қаерда ва кимлар билан ишлаш насиб қилмасин, бу даргоҳда ўрганганларим ва олган сабоқларим ҳар қачон асқотади.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ, газета мухбири:

"Маърифат" менга кўп нарсани ўргатди. Бу ерга келмасимдан аввал газетачиликни жуда ҳам майда, зерикарли иш деб тасаввур қилардим. Аммо ундай эмас экан. Тўғри, баъзи бир қийинчиликлари ҳам бор, лекин журналистика остонасига қадам қўйган инсон учун буни қийинчилик деб бўлмайди. "Маърифат" газетасида ишлаш мароқли. Ижодий жамоанинг аҳиллиги, ходимларнинг бир-бирига бўлган хушмуомалалиги менга ёқди.

ТАРАККИЁТ — ИЗЛАНИШДА

Maxsus maktablar hayotidan

Мактаблар —жамият кўрки. Зеро, юрт истиқболини ушбу масканларда таҳсил олаётган илмга чанқоқ фарзандларимиз келажагида кўрамиз. Шу маънода оладиган бўлсак, бугунги кунда мактабларда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнининг нечоғли катта аҳамият касб этиши аён бўлади. Айни шу сабабли ҳам давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки онларданоқ таълим тизими ислоҳотига алоҳида эътибор қаратдики, бугунги кунда бунга ҳамоҳанг тарзда улкан ютуқларга эришилиб келинмоқда.

Қумқўрғон туманидаги 18-ихтисослашган мактаб-интернат жамоасининг йил сайин таълимдаги эришаётган муваффақиятлари замирида ҳам оқилона олиб борилаётган ислоҳотлар асос бўлаётир,десак янглишмаймиз. Ушбу илм ўчоғи 1996 йилда ташкил топган бўлиб, унда ҳозирда 224 нафар толиби илм тарих, ҳуқуқшунослик ва чет тили фанларидан замон талаблари даражасида сабоқ олмоқдалар. Эътиборлиси, ўқувчиларнинг тенг ярми, яъни 104 нафари вилоятнинг Жарқўрғон, Денов, Шўрчи, Бандихон, Бойсун, Шеробод каби чекка туманларидан келиб ўқишади. Уларнинг бекаму - куст яшашлари ва ўқишлари учун эса мактаб-интернат маъмурияти томонидан барча шароитлар яратилган.

—Илм излаб таълим масканимизга келаётган билимга ташна ёшларимизнинг ўқишлари учун мактаб-интернатимизда барча қулайликларни яратишга ҳаракат қилаяпмиз,—деди биз билан суҳбатда таълим маскани директори Т.Нормуродов. - Ўтган йилда ўқувчилар ётоқхоналарини тўлиқ таъмирлаб, янги жиҳозлар билан таъминлаган бўлсак, ҳозирда ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун спорт майдончалари, теннис корти, ҳаммом қурмоқдамиз. Айни дамгача 22 миллион сўм қийматдаги қурилиш ишлари бажарилди. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу ишларда ҳомийларимизнинг бераётган кўмаги ҳамда жамамиз саъй ҳаракатлари муҳим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, мактаб-интернатда ўқувчиларнинг яшашлари учун яратилаётган шароитлар билан бирга уларнинг жаҳон андозалари даражасида ўқишлари, фанларни ўзлаштиришларига ҳам айрича эътибор берилиб, кўплаб имконият эшиклари очилган. Албатта, ёшларимизнинг келажакда комил инсон бўлиб вояга етишишлари йўлида мактаб-интернат жамоасининг амалга ошираётган бу каби ибратли ишлари бесамар кетаётгани йўқ.Бу мазкур даргоҳ ўқувчиларининг турли кўрик-танловлар, мусобақаю, анъанавий ўтказиб келинаётган фан олимпиадаларида кўрсатаётган натижаларида ҳам намоён. Ўтган ўқув йилида вилоят бўйича ўтказилган фан олимпиадаларида 10-синф ўқувчилари Ҳ.Меликулов информатика фанидан 1-ўринни олган бўлса, У.Маматраимов тарих фанидан бўлган баҳсларда иштирок этиб, 2-ўринни, Р Нормуродов эса ҳуқуқшунослик фанидан 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Жорий ўқув йилида эса халқаро АКСЕЛС ташкилотининг ўтказган танловларида иштирок этган мактаб-интернатнинг 2 нафар ўқувчиси якунланган биринчи ва иккинчи босқичларида ғолиб чиқиб, кейинги босқичларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Тараққиёт —изланиш, ҳаракат самараси. Мазкур таълим муассасасининг фидойи муаллиму мураббийлари эса ушбу тамойилдан келиб чиқиб доимо интилишдалар. Муҳими, шу. Зеро, интилганга толе ёр, дейишади доноларимиз.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

Севимли нашримиз «Ma'rifat»га обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи:

Якка обуначилар учун — 149

Ташкилотлар учун — 150

Kasaba uyushmalarida

КЕЛАЖАК СОҒЛОМ АВЛОД ҚЎЛИДА

Бугун Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қила оладиган соғлом, бақувват, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш хусусида жиддий ғамхўрлик қилинмоқда. Жумладан, бу соҳада касаба уюшмалари ҳам педагоглар, талабалар, ўқувчилар ўртасида спорт ишларига катта эътибор бериб келяпти.

Анъана тусига кирган республика халқ таълими ходимлари спартакиадаси ҳам ҳар йили ўтказилиб келинаётган бўлиб, мини-футбол, шашка, шахмат, стол тенниси бўйича ўтказилган бу йилги мусобақаларда Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилояти жамоалари 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Ана шу спартакиадада юқори ўринни эгаллаган жамоалардан ташкил топган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг аёллар жамоаси тармоқлараро ўтказилган мусобақаларда 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг биллур кубогини қўлга киритишди.

Шу билан бирга тармоқ касаба уюшмаси спортини ривожлантиришда тўла имкониятлардан фойдаланилмаётганлиги ачинарли ҳол. Мисол учун, Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари ўтказилаётган мусобақаларда аксарият сўнгги ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Раёсат ва ҳайъатининг мактаб спорт залларининг якшанба кунлари очиқ туриши ва спорт билан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг шуғулланишлари ҳақидаги қўшма қарори бажарилиши жойларда суст назорат этиляпти.

Шунингдек, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш ва унга эътиборни кучайтириш, уларнинг бўш вақтларини самарали, мазмунли ўтказишларини таъминлаш, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш борасида белгиланган тадбирларни бажарилишини таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт турлари билан шуғулланишнинг турли йўлларидан унумли фойдаланиш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Ота-оналар, жамоатчилик, педагогик жамоа, касаба уюшмаларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан бу борада ижобий натижаларга эришиш мумкин. Зеро, келажак ёш, соғлом, маънавий жиҳатдан баркамол авлод қўлидадир.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

ОЛИМ БЎЛСАНГ...

Ҳуқуқий давлат пойдевори жамиятда қонун ва инсон ҳуқуқларининг сўзсиз устунлиги тамойили асосида қарор топади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ушбу пойдеворнинг асосини ташкил этади. Асосий Қонунимиздаги демократия мезонлари, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи тамойиллар, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг маънавий меъёрларига мувофиқ ҳолда тайёрланганлиги халқаро экспертлар томонидан ҳам тасдиқланган.

Конституция—ягона сиёсий ва юридик ҳужжат бўлиб, у ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мазмун-моҳияти, бутун қонунларнинг асосидир.

Президентимиз Ислом Каримов эълон қилган беш тамойилдан бири—Конституция ва қонунларга сўзсиз амал қилиш, Бош Қомусимизнинг устиворлигини таъминлаш, одамларни Қонунга итоат этиш руҳида тарбиялаш — Конституцияга риоя қилишнинг қудратли омилидир. Шунга эришсаккина биз ҳуқуқий давлатда яшаяпмиз, дея оламиз. Бунинг учун чуқур ҳуқуқий билим ва маданиятга эга бўлмоғимиз зарур. Бу масалани ҳал қилиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши асосида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курси жорий этилди.

Жамият ва шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири бу ёшларда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборатдир. Ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёт учун аҳамияти жуда беқиёсдир. Ушбу ўқув курси ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ва юксалтириш мақсадида йўлга қўйилди. Бу мақсадни амалга ошириш биз ўқитувчиларнинг зиммамиздадир.

Кайковус "Қобуснома"да шундай деб ёзади: "Олим бўлсанг, илмни яхши ўргангил, билган илмингни яхши иборалар билан баён қилгинки, токи бемаъни фикр билдириб, хижолат бўлиб қолмагин".

Демак, биз ўқитувчилар ўз ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамлашимиз, ҳар бир дарс жараёнида мукаммал тайёргарлик кўришимиз зарур, токи бой ахборотга эга бўлган янги авлод ўқувчилари ўз саволларига биздан тўлиқ жавоб ола билсинлар.

Бу борада олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ўқув курси учун дастур ҳамда дарслик фаолиятимизга йўл очади.

2002 йилда Конституциямизнинг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳуқуқий маданиятимизни такомиллаштириш билан боғлиқ. Бу борада ушбу ўқув курси бўйича ҳар бир дарс мавзуси учун алоҳида маъруза матнларини тайёрлаш, ўқув курси дастурига мувофиқ мавзулар бўйича амалий машғулотлар режасига мувофиқ адабиётлар рўйхатини илова қилиш, оралиқ ва жорий ҳамда якуний назоратлар учун тест саволлари мажмуаларини тузиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ўқув курси учун хонанинг фанга мослашган жиҳозланиши, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрланиши ва улар замон талабига жавоб бериши керак. Фанга оид тўгараклар ташкил этиб, бу тўгаракларда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатадиган машғулотлар ўтказилиши зарур.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни мукаммаллаштиришга ёрдам беради ҳамда ўсиб келаётган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятли, баркамол авлод бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Ф.СИНДАРОВА,
Оқ олтин туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

YANGI ALIFBONI O'RGANAMIZ

(Давоми.Боши ўтган сонда)

21-дарс
II. ҚИСҚАРТМАЛАРНИ ҚЎЧИРИШ

Қисқартма отлар бир неча сўздан иборат номларнинг қисқарган шакли бўлгани учун ҳам бир нарса, ташкилот, давлат, уюшма тушунчасини англатади. Шунинг учун қисқартма ҳарф ёки бўғиндан иборат бўлишидан қатъи назар, бу таркибий қисмларнинг ажратиб ёзилиши қисқартманинг маъносини бузади, тушунилишини қийинлаштиради. Шунга кўра, барча турдаги қисқартма отларни сатрдан сатрга кўчирмай ёзиш лозим. Қаранг: ***BMT, O'zMU, AQSH, biofak, TashGES*** *каби.*

Киши исми ва ота исми қисқартириб бир ҳарф тарзида ёзилган ҳолатларда уларни фамилиядан ажратиб кўчириш, сатрдан сатрга ажратиб ёзиш мумкин эмас. Имкон қадар тахаллусга айланган киши номларини қисқартириб ёзишдан чекланган маъқул. Масалан, ***A.Navoiy эмас, Alisher Navoiy, Z.Said*** *эмас,* ***Ziyo Said, T.To'la*** *эмас,* ***Turob To'la*** *каби.*

Расмий ёзишмалар матнида, рўйхатларда ***A.B.Rahmonov, G.Sh.Shukurova*** *каби ёзилган қисқартмаларни ўқиганда исм ва ота исмини ҳам тўлиқ ўқиш лозим.*

Ёзма нутқда ***v.b. (va boshqalar), sh.k. (shu kabilar)*** *сингари ҳарфий қисқартмаларни қўллаш ҳам фаоллашган. Бундай қисқартмаларни ўзи боғланган олдинги сўздан ажратиб, кейинги сатрга кўчириш мумкин эмас. Кўчирилганда, албатта, олдинги сўз билан бирга кўчирилиши мумкин. Масалан:* ***un, shakar — v. b.*** *эмас,* ***un, shakar v.b., olma, nok — sh.k.*** *эмас,* ***olma — nok sh. k.***

III. РАҚАМЛИ БЕЛГИЛАРНИ КЎЧИРИШ

Тилимиз тараққиётининг кейинги йилларида рақамли бирикмалар, шартли белгиларнинг қўлланиши фаоллашди. Бундай рақамли номларни ёзиш ва ўқишда ҳар хилликка йўл қўйилмоқда. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосининг янги тасдиқланган имло қоидаларида бу ҳолат ҳисобга олиниб, рақамли бирикмаларни ёзиш ва кўчиришда қуйидагиларга амал қилиш лозимлиги белгилаб қўйилган.

1. Кўп хонали араб ва рим рақамлари кейинги сатрга бўлиб кўчирилмайди. Масалан: ***18, 705, 1952, XV, XXI*** *кабилар.*

2. Қисқартма сўз ёки ҳарфдан иборат шартли белги ўзи тегишли бўлган рақамдан ажратиб, сатрдан сатрга кўчирилмайди. Қаранг: ***7-"A" sinf, V "A" guruhi, 15 sm, 100 gr, 24 ga*** *кабилар.*

3. Атоқли отлар таркибида қўлланадиган рақамлар шу номдан ажратилмаган ҳолда қўштирноқ ичида ёзилади ва ҳамиша сўз-ном билан бир сатрда ёзилади, яъни бўлиб кейинги сатрга кўчирилмайди. Қаранг: ***"Buxoro—2" (g'o'za navi), "Ofarin—3" (ko'rik-tanlovi), "Boing—767" (samolyot)*** *кабилар.*

Кўчириш амалида юқоридаги уч кўринишни ҳисобга олиб иш тутсангиз, сўзларнинг маъно ва тузилишига путур етказмаган ҳолда тўғри ёзган бўласиз. Хусусан, қисқартмали ва рақамли бирикмаларни тўғри кўчириб ёзиш билан бирга уларни тўғри талаффуз қилиб ўқишга ҳам эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

1-топшириқ. *Бош ва охирги бўғинлари бир ҳарфдан иборат бўлган 10 та сўзни сатрдан сатрга кўчириб ёзинг.*

2-топшириқ. *Таркибида 2-3 ундош ёнма-ён келган ўзлашма сўзларга мисол топинг ва уларнинг кўчириб ёзилишини изоҳланг.*

Абдурозиқ РАФИЕВ,
ЎзМУ кафедра мудири,
доцент

ТАҲРИРИЯТДАН: Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганиш машғулотларимиз ниҳоясига етди. Газета саҳифаларида олиб борилган дарслар кўплаб ўқувчилар, муаллимларда ҳам қизиқиш уйғотганини вилоятларда бўлаётган "Маърифат" кунлари" доирасидаги учрашувларда ҳам кўп бора таъкидланди. Янги алифбони ўрганишда ёрдам берганлиги учун "Маърифат"га, унинг фаол муаллифларидан бири — ЎзМУ кафедра мудири Абдурозиқ Рафиевга миннатдорчилик билдиришди. Барча муштарийларимиз номидан филология фанлари номзоди, доцент Абдурозиқ Рафиев домлага биз ҳам ташаккур билдирамиз.

ЎҚИТУВЧИЛАРГА МЕТОДИК ЁРДАМ

Миллий дастурни рўёбга чиқариш учун: педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш; малака ошириш жараёнларида илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг янги ва замонавий ахборот технологияларини қўллашни ташкил этиш ҳамда бу соҳада намунавий дастурлар яратиш, аудио, видео, компьютер, мультимедиа каби техник воситалардан фойдаланган ҳолда баҳс, тренинг машғулотларини кенг кўламда жорий қилиш; энг асосийси, замонавий таълим технологиялари билимлари билан қуролланган, ижодкор, ташкилотчи, фидоий раҳбар, педагог, таълим берувчиларни тайёрлаш, қўллаб-қувватлаш кабилар долзарб вазифага айланган эди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ЎМКҲТ Ривожлантириш институти ESTACIS EDUZ-9803 "Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими ислоҳотига кўмак" лойиҳаси ҳамкорлигида "Замонавий таълим технологиялари" бўйича ўтказилган 6 кунлик семинар-тренинг юқорида таъкидлаб ўтилган долзарб вазифаларни бажаришда ўзининг амалий вазифаларини беради, деб ўйлаймиз.

"Замонавий таълим технологиялари" (ЗТТ)га бағишланган ушбу семинар-тренинг махсус дастур асосида юқори савияда ташкил этилди. Анжуман "Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими ислоҳотига кўмак" ТАСИС лойиҳасининг раҳбари Герман Сонневелд жанобларининг биз – 40 кишидан иборат Андижон, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳридан келган раҳбар, педагог, педагог-муҳандис ҳамда Низомий номли ТДПУ сиртқи бўлим магистратура босқичи талабалари, ёш педагогларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ҳамда ЗТТни ўқув жараёнига тадбиқ этишнинг аҳамияти ҳақидаги кириш сўзи билан очилди.

Айтиб ўтиш керакки, семинар бизга жуда катта янги маълумотларни берди. 6 кунлик семинар-тренинг машғулотларида: тренинг, тренер, технология тушунчалари, унинг турлари; педагогик жараён, педагогик тизим ва унинг элементлари; ЗТТ, унинг элементлари; замонавий технологиялар шакллари, методлари ва воситалари; ўқув жараёнидаги таълим берувчи ва таълим олувчининг ўрни; замонавий технология методларидан бўлмиш "музёрар"—танишув методи, "онг-га таъсир" методи, "пинборд" (инглизчадан: pin—мутаҳкамлаш; board—доска) техникаси; китоб билан ишлаш методи; зиг-заг техникаси; мияга ҳужум (брейнеторлинг) — муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга таълим олувчилар (ўқувчилар)ни мотивациялаш; таълимнинг ташкилий шаклларининг қиёсий тавсифи: фронтал – ялпи таълим, гуруҳли – микрогуруҳларда таълим, индивидуал – таълим олувчиларга якка ҳолда ёндошиш; ўқув машғулотининг технологик харитаси — педагогик жараённи қадамба-қадам, изчиллик билан (жадвал усулида) қўлланилган воситалар кўрсатиб берган ҳолда тасвирлаш; ўқитиш жараённи ташкил қилишда аниқ мақсадни мўлжаллаш: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, мотивацион (қизиқтирувчи) каби энг муҳим мавзуларни амалий машғулотларда ўқиб ўргандик.

Бир сўз билан айтганда, семинар-тренингдан оламиз янги маълумотлар олдик. Иштирокчиларга "Тренер" малакали сертификатлар берилди.

Бу каби семинарлар соҳани ислоҳ қилишда биз педагогларга берилган энг катта ёрдамдир.

Омина ОМОНОВА,
Андижон ҚХИ қошидаги Куйганёр акдемик лицейи ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

МАГИСТРАТУРА – РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Куп босқичли таълим жараёнини ташкил қилиш натижасида жамиятнинг фаоллашуви учун шароитлар яратилмоқда. Хусусан, магистратурани шакллантиришда ривожланган давлатлар тажрибасига суянмоқдамиз. Таълимнинг бу тури биз учун янгилигини эътиборга олсак, унинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши, турли ўқув режа ва дастурларининг тайёрланиши, уларнинг методик таъминоти бўйича қатор муаммоларга дуч келишимиз табиийдир.

Магистрлар тайёрлашнинг ҳозирги босқичида уни қайси йўналишда ривожлантиришни белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўқув режалари ва дастурларини тузиш ҳамда тасдиқлашда кўзланган мақсадни ҳисобга олиш зарур бўлади.

Республикамизда илмий-педагогик кадрлар ўртача ёшининг ортиб бориши **магистратура-аспирантура-докторантура** тизимининг узвий боғланган ҳолда фаолият кўрсатишини тақозо этади. Янги ташкил этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш зарурати ҳисобга олинса, магистратура ўқув режаларини биринчи навбатда ўша таълим ихтисосликларига йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Илмий-педагогик кадрлар магистратура орқали тайёрланиши ҳам факт. Магистратурани аспирантура таълим босқичига яқинлаштириш, яъни магистрантнинг мустақил ишлаш салоҳиятини кутариш ва назарий таълимнинг асосий қисмини мустақил таълим асосида амалга ошириш методикаси зарур. Ўқув режасида магистрантларга илмий, илмий-техникавий, илмий-методик ва бошқа соҳаларни танлаш эркинлиги берилса, ихтиерий соҳа бўйича битирган магистрга ўша йўналишда ишлай олиш имконияти яратилади.

Илмий-методик ихтисосликлар бўйича магистратурани битирган мутахассис маъруза матнлари, унинг методологик ҳамда методик таъминотини ярата олиш, дарс утишга ёрдам берувчи ахборот воситаларини танлаш; ургатувчи ва назорат қилувчи дастурлар яратиш; ўқув адабиётлари ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда иштирок этиши керак. Шунингдек, у маъруза ўқиш, лаборатория, семинар ва амалий машғулотлар ўтказиш ҳамда вазиятли ва ишга доир "ўйинлар" ташкил қила олади.

Илмий изланишларнинг молиявий манбаларини қидириш, аниқ илмий-техникавий, илмий-методик ва бошқа ишланмаларга буюртмачиларни топиш магистрантни куп ҳолларда ташвишга солади. Сир эмаски, қанчаданқанча тадқиқотлар фойдали ва амалий жиҳати бўлса-да, қоғозда қолиб кетаётир.

2000-2001 ўқув йилидаги талабалар қабул режасига эътибор бериладиган бўлса, бакалаврлар тайёрлаш қабулига нисбатан магистрлар 7,3 фоизни ташкил этади. Россия федерациясида эса бу курсаткич 4,7 фоиз эканини кўриш мумкин.

Ушбу қиёсий кўрсаткич мамлакатимизда магистратурага эътиборнинг юқори эканлигидан далолат беради. Сифат кўрсаткичида ҳам магистратура рейтингининг юқорилигини таъминлаш учун "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да қўйилган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш керак, хусусан, магистратуранинг тегишли ихтисослиги бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг 100 фоиз илмий даражага эга бўлиши таъминланиши керак.

Бакалавриатурада йиғилган рейтинг бали магистратурага кириш учун, магистратурадагиси эса аспирантурага кириш учун асос бўладиган ва холисликни тўла таъминлайдиган тизим яратиш вақти келмадимикан?

Магистратура ўқув режасида 2-курсга аудитория соатларини киритмаслик ва тўла амалиёт ўтказиш, уни магистрлик диссертациясини ёзишга ажратиш ҳамда илмий текшириш институтларида, ишлаб чиқариш корхоналарида ва бошқа соҳаларда узлуксиз ишлашларини таъминлаш йули билан уларда илмий изланишга куникма ҳосил қилдириш муҳим роль ўйнайди.

"Касбий-педагогик тайёргарлик" таълим соҳасининг барча йўналишлари бўйича магистратура мавжудлиги таъминланиши мақсадга мувофиқдир.

Магистратуранинг барқарор ўқув дастурлари яратилгунча муваққат дастурлар асосида фанларнинг замонавий техника ва бошқа соҳаларга асосланган, илмий йўналтирилган маъруза матнларини яратиш давом этади.

Бакалавриатурани битирган талабаларнинг барчаси ҳам магистратурада ўқишни давом эттириш имкониятига эга эмаслиги боис, 3—4-курслар учун танлов асосида ўқитиладиган фанларнинг сонини купайтириш ва унинг бир қисмини соф касбий йўналишга, бир қисмини эса таълимни давом эттиришга қаратилган илмий характердаги фанлар билан бойитиш зарур.

Олий ўқув юртидаги бакалаврлик таълим йўналишига тегишли магистратура очилишини юқори бошқарув органлари белгиланган тартиб бўйича ҳал қилгани ҳолда, улардаги ихтисосликларни маркетинг хизмати асосида танлаш ва зарурат бўйича ўзгартириб бориш эркинлигини уларнинг ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқ булар эди. Чунки битта бакалавр йўналиши таркибида ўнлаб магистратура мутахассисликлари бўлиб, уларнинг аксарияти бўйича ҳам талаб ва эҳтиёж мавжуддир.

Магистрлар тайёрлашда алоҳида ОЎЮни ихтисослаштиришга интилмаслик керак. Чунки бунда рақобат йўқолади ва методик ёндашишда сийқалашган бир хиллик юзага келади ҳамда кадрлар сифатини таққослаш имконияти бўлмайди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаб олгунга қадар магистратурага давлат гранти асосида қабулни камайтирмаслик оқилона иш бўлар эди.

Яқин келажакда илм-фан, таълим, техника, бошқарув ва бошқа соҳаларнинг етакчилари магистрлардан чиқиши аниқ, бунга шароит ҳам, имконият ҳам яратилмоқда.

Ф.ДАДАМИРЗАЕВ,
Наманган муҳандислик-педагогика институти ўқув ишлари бўйича проректори

Ta'lim va islohot

ЎҚИНГ, ИЗЛАНИНГ, ҲАМ БЎЛМАЙСИЗ!

Сирасини айтганда, мустақиллик — бу орзулар рўёби, тараққиёт йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи. Орзуларни рўёбга чиқариш учун эса имкониятлар кенг. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳақидаги фикрнинг ҳукумат, сиёсат даражасига етказиб бажарилиши биз ҳали истиқлолга эришмасдан аввал миллатпарвар инсонлар уй-хаёлида бор эди. Ана шундай жонкуяр инсонлардан бири Ислом Каримов 1990 йилдаёқ "... замонавий касбни эгаллашда ёшларга ёрдам беришимиз керак. Бу соҳада хасислик ярамайди. Бизга миллий кадрлар тайёрлаш миллий дастури керак" деган эдилар.

Юқоридаги фикрлар ўз ижросини 1997 йилга келиб топди. Шу йил 29 августда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонун сифатида кучга кирди. Миллий дастур асосида жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси, албатта, Президентимизнинг одил раҳбарлиги, халқимизнинг доно иш юритувчи ва ижрочилигининг мевасидир.

Эзгу ишларга ҳамоҳанг 2001 йил 12 июньда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қонуни эса мени ниҳоятда қувонтирди. Нафақат мени, балки республикамиздаги ўрта махсус маълумот билан тўхтаб қолган 120 минг нафардан ортиқ ўқитувчилар бу хабарни шодиёналик билан кутиб олдилар, десам муболаға бўлмайди.

Қонунда: "... ўрта махсус маълумотта ва тегишли таълим тури бўйича камида 3 йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрларни давлат грантлари асосида тест синовлари орқали олий ўқув юртларига қабул қилиш ва бакалавриатда ўқитиш учун махсус сиртқи бўлимлар очилсин".

Ишлар жуда аъло даражада бажарилди. Буни Низомий номидаги Давлат педагогика университетининг қабул ишлари мисолида кўрадиган бўлсак, қонун бажарилиши ниҳоятда чиройли ташкил қилиниб, муаммоларсиз олиб борилди.

20 июндан 22 июлгача давом этган қабул комиссиясига "Бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар" ихтисослигига 1280 дан ортиқ ариза тушди. Консультациялар куни белгиланди, синов ўтадиган мактаб манзили эълон қилинди.

Белгиланган имтиҳон куни ҳам етиб келди. "Бошлиқ" мавзесидаги мактаблардан бирининг ҳовлиси абитуриентлар билан тўла. Имтиҳон бошланиб, ДТМнинг савол вариантлари тарқатилди. Имтиҳон жиддий ва белгиланган қоидаларга мос равишда ўтди. 10 август куни эса тест синовларидан юқори балл тўплаган 210 нафар талабанинг қувончи чексиз эди.

22 августдан эса талабаларнинг 5 кунлик кичик сессияси бошланди. Таҳсинга сазовор жойи шундаки, деканат ходимлари ниҳоятда тиришқоқлик билан ҳар бир ўқув фанининг йиллик ўқув режаси, рейтинг тизими, дарс маърузаларини тақдим қилишди. Ўтилган ҳар бир дарсда қишки сессия материаллари, уй вазифалари тушунтирилди. Аллоҳ насиб қилиб, мен ҳам шу факультет талабаси бўлдим.

Республикадаги барча ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларни 2002 ўқув йили қабулига таклиф ва даъват этаман. Зеро, олий маълумотли педагог-ўқитувчилар тарбиялайдиган баркамол авлод жамиятда онгли ҳаёт кечириш тизимини яратади.

Гавҳар УМАРОВА,
Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси

"Ma'rifat"ning informatsion hamkorligida

АНЖУМАН НАФАҚАТ ЁШ ФИЗИКЛАРНИ, БАЛКИ ЁШ ХИМИКЛАР ВА БИОЛОГЛАРНИ ҲАМ ЧОРЛАЙДИ

Маълумки, газетамизнинг жорий йил 31 октябрь сонида ОЎМТВнинг ЎМКҲТ Маркази Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, ЎзФА, қатор ОЎЮлари ҳамда "Маърифат" газетасининг информацион ҳамкорлигида мамлакатимизда илк маротаба ўтказилаётган "Ёш физиклар" республика симпозиуми тўғрисида эълон, уни ўтказиш муддати, йўналишлари, шартлари батафсил ёритилган эди. Хўш, бугунги кунга келиб ушбу тадбирга тайёргарлик ишлари қай аҳволда? Умуман, мазкур жараёнда қандай ўзгаришлар ва янгиликлар бор? Ана шу каби қатор саволлар доирасида ЎМКҲТ Маркази академик лицейлар бошқармаси бош мутахассиси, ташкилий қўмита аъзоси Мавлуда Нишонова билан суҳбатлашдик. Куйида суҳбат мазмуни билан танишасиз.

— Авваламбор, кўп сонли газета муштарийларига муҳим бир янгиликни етказишни истар эдик, — дейди Мавлуда опа. — Хабарингиз бўлса, бундан сал олдинроқ пойтахтимизда ёш математикларнинг симпозиуми, яқиндагина эса Самарқандда ёш информатикларнинг республика анжумани бўлиб ўтди. Эндиги навбат, кўриб турганингиздек, ёш физикларники эди. Аммо симпозиум ташкилотчиларининг таклифларига кўра, ёш физикларнинг катта анжуманига ёш химиклар ва биологлар ҳам қўшилиб, эндиликда табиий фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференциясининг ўтказилиши кутилмоқда. Шу сабаб ҳамда жойлардан келаётган кўплаб илтимослар, таклифлар инобатга олиниб ва эълон қилинган симпозиумнинг вилоят фан олимпиадалари билан бир вақтга тўғри келмаслигининг олдини олиш мақсадида унинг ўтказилиш муддати ўзгартирилиб, тахминан февраль ойининг охиригача узайтирилмоқда. Бу ҳақда ЎМКҲТ муассасаларига махсус модемограммалар жўнатилди. Лекин симпозиумда қатнашиш истагини билдирган ХТВ тасавврруфидаги қатор умумтаълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ўқувчилари бундан бехабар қолаяпти ва ўйлаймизки, матбуотдаги мазкур чиқишдан сўнг улар ташкилий қўмита билан боғланадилар.

— Мавлуда опа, шу кунгача ташкилий қўмитага нечта ижодий иш келди ва уларнинг аксарияти қаерданлиги хусусида ахборот берсангиз.

— "Ёш физиклар" учун масалалар газетада чоп этилганидан буён умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан 80 тадан зиёд ижодий иш олдик. Буларнинг ичида, айниқса, 1-физикавий масалалар ва уларнинг оригинал ечимлари ҳамда 4-физикани ўрганиш ва тарғиб этиш соҳасидаги йўналишларга юборилган ишлар кўпчиликни ташкил қилади. Физик жараён ва ҳодисаларни ўрганишга имкон берувчи тажрибавий қурилмалар йўналишида ҳам ўзига хос ишлар бор. Аммо назарий ва эксперименталь илмий-тадқиқот ишлари, ихтиролар деб номланган 2-йўналишга келган ишларнинг ҳажми камроқ. Бундан шундай хулоса келиб чиқмоқдаки, жойларда ўқувчи-ёшларимизни илмий ишлашга йўналтириш ишлари суст.

Ташкилий қўмитага келаётган ишларнинг тахминан 50 фоизи ОЎЮлари қошидаги академик лицейлардан, 45 фоизи эса умумтаълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, лицей-интернатлардир. Ва атиги 5 фоиздан кўпроғи касб-ҳунар коллежларига тегишлидир. Радиотехника, саноат, информатика йўналишларидаги коллежларнинг талабалари нима сабабдан танловда иштирок этмаётганлиги таажжубли ҳолдир. Ана шу рақамларни вилоятлар кесимида кўрсак, пешқадамлик Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ўқувчиларидадир. Навоий, Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан тушган ишлар сони камроқ. Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан эса шу кунга қадар биттаям ижодий иш тушмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?

— Ёш физикларимиздан келаётган ижодий ишлар миқдори билан танишдик. Эндиги навбатда ёш химиклар ва биологлар ўз ишларини ташкилий қўмитага қайси йўналишлар бўйича жўнатишлари керак?

— Кимё ва биология соҳалари бўйича танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади: ҳар иккала соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари, ушбу фанларни ўрганиш ва тарғиб қилиш соҳасидаги ишлар (шеърлар, рекламалар, интермедиялар, кроссвордлар), шунингдек, ёш химиклар кимё масалалари, ёш биологлар эса гербарийлар йўналишларида беллашадилар.

Илмий-тадқиқот ишлари йўналишида ўқувчилар кимё ёки биология соҳасида олиб борган илмий ишларини реферат кўринишида юборадилар. Бунда бажарилган ишнинг мазмуни, мавзунинг долзарблиги, олинган натижа ва хулосаларнинг ҳаққонийлиги, илмий ишнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги ўрни эътиборга олинган ҳолда; кимё (биология) фанини ўрганиш ва тарғиб қилиш соҳасидаги ишлар эса ўқувчилар томонидан ижод қилинган шеър, интермедия ва кроссвордлар бўлиб, юборилган ишларнинг мазмуни, моҳияти, тузилиш конфигурацияси ва ҳажмига қараб конференция иштирокчилари аниқланади. Бундан ташқари, кимё масалалари ностандарт ва олимпиада масалаларини ўз ичига олади. Ўқувчиларга намунавий масалалар таклиф этилиб, улар шу ёки шунга ўхшаш ностандарт масалаларни ўзлари тузиб, ечимлари билан бирга юборадилар. Биологиядан гербарийлар йўналишида ўқувчилар ўзлари тайёрлаган гербарийлар ва бошқа кўргазмалари билан иштирок этишлари мумкин. Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, барча йўналишлардаги ижодий ишлар 2002 йилнинг 15 январига қадар ташкилий қўмитага, яъни ЎМКҲТ Маркази академик лицейлар бошқармасига юборилиши шарт.

— Мазкур конференциянинг яна қандай муҳим жиҳатлари бор?

— Муҳим жиҳатларидан бири шуки, физика ҳамда кимё масалалари йўналишида яхши натижаларга эришган ёшлар орасидан Индонезия мамлакатида бўлиб ўтадиган халқаро физика ҳамда Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказиладиган халқаро кимё олимпиадаларида иштирок этувчи ўқувчилар сараланиб олинади.

— Суҳбатимиз сўнгида конференция иш тартиби хусусида қисқача тўхталсангиз.

— Юқорида таъкидлаганимиздек, конференция "Ёш физиклар", "Ёш химиклар" ва "Ёш биологлар" каби учта шўъбада иш олиб боради. Ҳар бир шўъба бирнечта йўналишларга бўлинади ва уларда ЎзФА, унинг илмий-тадқиқот институтлари, республика Фан ва техника давлат қўмитаси, олий ўқув юртларидан етакчи олимлар, академиклар, профессорлар иштирок этади. Бу эса ўқувчи ёшларимизнинг ҳам маънавий, ҳам маърифий салоҳиятларини бойитишига имкон яратиши муқаррардир. Мақсадимиз — биринчи навбатда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларни илмий ихтирочилик, изланувчанликка жалб қилиш, илм масканларининг ЎзФА илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, табиий фанларни ўқитишда таълим ва фаннинг интеграциялашувини таъминлашга эришишдир.

— Конференция ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Нурлан УСМОНОВ суҳбатлашди.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ ОМИЛИ

Дарс машғулотларининг тўғри ташкил этилиши ва ўқувчилар ўзлаштиришининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларига мослигини таҳлил этиш мақсадида Самарқанд вилояти ЎМКҲТ бошқармаси томонидан ҳар 45 кунда натижа кўрсаткичлари диаграмма ва гистограмма кўринишида умумтаълим фанлари бўйича ҳисобот олиб борилмоқда. Мониторинг кўрсаткичлари ҳар бир ўқув муассасасининг вилоят бўйича эгаллаб турган ўрнини белгилайди. Эришилган натижалар таҳлилидан умумтаълим фанларини ўқитиш сифат-самарадорлиги педагог-муҳандисларнинг касбий маҳорати, ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаоллигига боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Галдаги вазифаларни ўқув жараёнидаги айрим юзага келган муаммолар ечимига қаратиш лозимлигини кўрсатди.

Шу боис ўйлаймизки, ЎМКҲТ муассасаларининг мониторинги қуйидаги уч йўналиш бўйича олиб борилса, таълим жараёни тўлиқ назорат қилинади:

Биринчи йўналишда ўқув юртларининг илмий-ўқув салоҳияти ҳисобга олинса, иккинчи йўналишда таълим муассасаларининг ўқув-услубий ишлари ҳолати таҳлил қилинади.

Учинчи йўналишда эса фанлар бўйича тузилган диаграмма ҳамда гистограммаларнинг гуруҳлар ва ўқув юртлари бўйича таҳлили таълим жараёнини самарали ташкил этишга ёрдам беради. Шунингдек, бунда ўқув юртларида ўзлаштириш даражаси ҳамда дарсга қатнашиш давомати назоратга олинади.

Таълим жараёнида қўлланилаётган ўқув-услубий ишлар мониторингининг асосий мақсад-вазифаси таълим сифатига эришиш ва назорат қилишдан иборат бўлиб, унда натижалар кўрсаткичлари таҳлили мавжуд ютуқлар ва камчиликларни ўзида акс эттиради.

М.БОЛИЕВ,
Самарқанд вилоят ЎМКҲТ бошқармаси инновация ва илғор педагогик технологиялар бўлими бошлиғи

Ўтиб бораётган декабрь ойининг Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан "Мехр-мурувват" ойлиги дея эълон қилиниши ҳам ёш авлодга бўлган эътиборнинг ёрқин далилидир.

Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки, мумкин эмас...

Халқимиз "Тил билган—эл билади", деб бежиз айтмаган.

Дарҳақиқат, ҳар қандай киши ўз она тилида ҳам, бошқа тилларда ҳам қанчалик мукаммал сўзлаша олса, бундай киши ҳамма ерда иззат-обрў топади.

Зуллисонайнлик—икки ёки кўп тилда сўзлашиш миллатлар орасида дўстлик, қадриятларнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

Тил — миллатнинг қалби. Унга бўлган муносабат миллатга бўлган муносабатни белгилайди. Миллатнинг асосий белгиси бўлган ўз она тилига ҳурмат билан ёндашиш ҳар бир инсоннинг асосий бурчи ҳисобланади.

Бундан беш аср илгари ўзбек адабий тилининг асосчиси мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзбек тилининг беқиёс бойлигини намойиш этиб, уни чет таъсирлардан ҳимоя қилган эди. Ўз тилини яхши билмай, ҳаттоки менсимай ўзга тилда ижод қилган шоирларни қаттиқ танқид қилиб, "Муҳокаматул-луғатайн" асарида бу тилнинг бойлиги, серқирралиги ва бу тилда кенг кўламда ижод қилиш мумкинлигини айтиб, ўзининг бир умрлик ижодини тилни юқори поғонага кўтаришга бағишлаган эди.

ТИЛ МИЛЛАТНИНГ ҚАЛБИ

Лекин собиқ иттифоқ даврида миллий тил ривожи ҳақида гапирганларни миллий маҳдудликда айблаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, миллатимиз тили рус тили соясида қолиб кетган эди.

Шундай вазиятда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши давр талаби эди. Сўнгра ўзбек тили мустақил Ўзбекистоннинг давлат тили сифатида эркин ривожланиш сари чиқиб олди. Президентимиз "Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир", деган эди. Шунинг учун ўзбек тилининг мавқеини кўтариш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Таълим тизимида, хусусан ўзбек тили таълими жараёнида айтишга арзигулик самаралар қўлга киритилди.

Боғчадан тортиб то ўқув юртлари, малака ошириш муассасаларининг ҳаётигача давлат тили мустаҳкам ўрин эгаллади. Шунингдек, бошқа миллат фарзандлари тарбияланадиган боғчаларда режа асосида давлат тили машғулотларини ўтказиш жорий этилди, умумтаълим мактаблари режалари йилдан йилга такомиллашиб, она тили ва адабиёти таълимига эътибор кучайди. Малака ошириш институтларида тил мутахассисларини қайта тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Булар барчаси, шубҳасиз, истиқлол бизга берган имкониятдир.

Г.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Жиззах вилоят ХТБ мониторинг бўлими назоратчиси

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР ДАСТУР

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш" давлат талаблари асосида 2001-2002 ўқув йили учун 2743 нафар бола мактабга тайёрланди. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 1442 нафар фарзандларига давлат ҳисобидан 10600 минг, ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлари ҳисобидан 4,7 миллион сўмлик кийим-бош тарқатилиб, 3200 нафар ўқувчига бепул дарсликлар берилди. Бугун эса аълочи ва иқтидорли 82 нафар ўқувчилар ҳомийлар, ички имкониятлари ҳисобидан моддий ёрдамлар билан рағбатлантирилмоқда. 1780 нафар ўқувчилар оталиқ ташкилотлари ҳисобидан экскурсия ва саёҳатларга юборилдилар.

Бундан ташқари соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, туманда халқ таълими бўлими, маҳалла ва турли хўжалик, ташкилотларга қарашли 47 та спорт иншоотлари, 1210 та тўгараклар фаолият юритиб, уларга 13490 нафар ўқувчи жалб этилган.

Сўнгги сўз ўрнида туманимиз халқ таълими ходимлари Президентимизнинг 2002 йилни "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилиш ҳақидаги таклифини чуқур мамнуният билан кутиб олганликлари ва ҳозирданоқ таълим муассасаларимизда ушбу йилни муваффақиятли ўтказишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилганлигини айтмоқчиман. Зеро, қарияларини қадрлаган юрт қадрли бўлиши, шубҳасиз.

К.АБДИЕВ,
Норин туман халқ таълими бўлими мудири

МАҚСАД – БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯЛАШ

Янги асрнинг биринчи йилида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими тизимида "Она ва бола" давлат дастурини амалга ошириш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, кичик мактаб ёшидаги болаларда стоматологик касалликларнинг олдини олиш бўйича "Жозибадор табассум" дастури асосида Нукус шаҳри мактабларига қўлланмалар тарқатилди.

6-7-синф ўқувчи қизлари учун эса "Балоғат даври" дастурини амалиётга татбиқ этиш бўйича хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт ходимлари, психологлар иштирокида учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларида "Болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияни ўрганиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда "Меҳрибонлик уйи"да ҳам 262 нафар бола таълим-тарбия олаётган бўлиб, улардан кейинги йилларда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларига кирган болалар ётоқхоналар билан таъминландилар ва ҳар бирига 21 минг сўмдан нафақа тўлаш йўлга қўйилди.

Қиш фасли бошланишида кам таъминланган оилаларнинг бошланғич 1-4-синфдаги фарзандлари учун 140 млн. сўмлик кийим-бош ва пойафзаллар тарқатилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қарорига кўра, сувсизлик оқибатида зарар кўрган 13 туманга 250 млн. сўм ажратилиб, 54458 нафар ўқувчига 2206 млн. сўмлик ўқувчилар формаси, 10 млн. сўмлик пойафзал, 19,4 млн. сўмлик китоблар берилди.

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида "Она ва бола" Давлат дастурини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур дастурнинг 83-банди бўйича 80 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган тўгаракларда 1200 нафар бола чет тилларини ўрганишмоқда. Жорий йилда Тахиатош шаҳридаги 17-болалар боғчасида 6-7 ёшли болалар учун 2 та, Қўнғирот туманидаги 8-болалар боғчасида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 1 та, Нукус шаҳридаги "ПРОГРЕСС" таълим ва ривожланиш марказида 2 та, Нукусдаги 3-мактабда 1 та, А.Шамуратов уй-музейи қошида 1 та гуруҳлар ташкил этилиб, уларда болалар хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда мактабга тайёрланди ва қўшимча чет тили ўргатиб борилди. Шунингдек, Нукус шаҳридаги 8-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Н.Палванова муаллифлигидаги "Болалар боғчаларида чет тилларга ўргатиш" дастури, А.Доспанов ва Р.Доспановлар муаллифлигидаги "Инглиз тили кичкинтойлар учун" ўқув-қўлланмаси 2001 йил нашр қилиниб, жойларга тарқатилди.

Бундан ташқари, республикадаги 69 та бошланғич синфлардаги 2078 нафар ўқувчиларга ҳам чет тиллари ўртатилмоқда.

Ҳозир эса, келгуси "Қарияларни қадрлаш йили"да вазирлик томонидан олиб бориладиган ишлар бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

А.ЕРИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири муовини

САРҲИСОБ ВАҚТИ

"Оналар ва болалар йили"да Чилонзор туман халқ таълими бўлими томонидан ҳам белгиланган ишлар амалга ошириб келинмоқда. Дастур доирасида Миллий истиқлол ғояларини ўқувчилар онгига сингдириш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўқувчилар ўртасида гиёҳвандлик, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилди.

23-Меҳрибонлик уйида, 66-махсус мактаб ҳамда 4-интернатда таълим-тарбия олаётган болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Наврўз, мустақиллик байрамларида, халқаро болалар кунида хомийлар томонидан мурувват ёрдамлари кўрсатилди. 23-Меҳрибонлик уйининг 120 нафар тарбияланувчиси эса "Алгоритм" оромгоҳида, 10 нафар тарбияланувчиси Россия Федерациясининг Арана шаҳрида соғлигини мустаҳкамлаб қайтишди. Шунингдек, ота-оналарининг қаровисиз қолган 12 нафар бола Меҳрибонлик уйига жойлаштирилди. 28 нафари эса фарзандликка берилиб, 12 нафар бола васийликка олинди.

Юқори синф ўқувчилари ўртасида "Қиз бола — бўлажак уй бекаси", "Сен доимо муқаддассан, ўзбек аёли", "Оилам — менинг бахтим" мавзуларида тарбиявий соатлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни яхшилаш мақсадида туман ХТБ услубият хонаси томонидан тавсияномалар ишлаб чиқилиб, барча таълим муассасаларига етказилди. Йил давомида таълим муассасаларида "Қомусимиз — фахримиз", "Оила ва қонун" тадбирлари ўтказилди.

2001 йилнинг август ва сентябрь ойларида 1-синфлар учун 4106 комплект ўқув қуроллари, 10545800 сўмлик 1400 комплект кам таъминланган оила фарзандлари учун қишки иссиқ кийимлар — Президент совғалари тарқатилди.

Ўтиб бораётган декабрь ойининг Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан "Мехр-мурувват" ойлиги дея эълон қилиниши ҳам ёш авлодга бўлган эътиборнинг ёрқин далилидир. Шу сабаб, 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига "Мехржон" фирмаси битта телевизор ва 100000 сўм, "Қизил Ярим ой" жамияти 3000000 сўм, "Тянь Шань бозори" 100000 сўм, "Майванд" фирмаси 300000 сўм маблағ беришди. "Совпластитал" қўшма корхонаси эса Янги йил совғаларини тайёрлашда кўмак бермоқда.

Бундан ташқари, бугун хорижий тилларни ўргатиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Болаларнинг иқтидори, қобилияти ва ота-оналарининг истагини инобатга олган ҳолда, 42 та мактабгача таълим муассасаларида чет тилларини ўргатишга оид тўгарак ишлари ташкил этилиб, ҳозир уларда 1185 нафар бола инглиз тилидан сабоқ олмоқда. 103-,178-,182-,195-мактабларда ҳам бу борада ибратли ишлар ташкил этилиб, етук мураббийлар ўқувчиларга инглиз тилидан машғулот ўтмоқдалар.

Янги асрнинг тугаётган биринчи йилида туман халқ таълими бўлими ўз олдига қўйган вазифаларни бажарди, десак муболаға бўлмас. Келгуси "Қарияларни қадрлаш йили"да эса "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни", "Мустақиллик куни", "Конституция куни" тантаналарига фахрийларимизни доим таклиф этишни режалаштирмоқдамиз. Шу кунларда умумтаълим мактабларида 197 нафар нафақадаги ўқитувчиларимиз ишлаётган бўлса-да, биз уларни ҳамда ишламаётган фахрийларимизни ижтимоий ҳимоялаш, улар тажрибаларидан фойдаланиш ҳақида чуқур ўйлаямиз. Шунингдек, уларнинг дам олишлари, даволанишларини намунали таъминлашни ҳам янада яхшироқ йўлга қўймоқчимиз.

М.АБДАЛИМОВ,
Чилонзор туман халқ таълими бўлими мудири

ФРЕЙД ВА РУҲИЙ ТАҲЛИЛ НАЗАРИЯСИ

Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки, мумкин эмас...

Мана, мисол учун, Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасидан ўрганса фойдадан холи бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Юртбошимиз И.Каримов "Фидокор" газетаси мухбири саволларига берган жавобларида мамлакатимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос — бу миллий ғоя, миллий мафкура эканлигини яна бир бор таъкидлаган эди.

Президентимиз миллий мафкуранинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда мамлакатимизда ижтимоий фикрни шакллантириш соҳасидаги вазифаларни аниқ белгилаб берди. Шунингдек, миллий истиқлол мафкурасининг тарихий, фалсафий илдизлари ҳақида гапириб, миллий ғояларни сингдиришда уларни жаҳон фалсафасида катта из қолдирган олимларнинг ғоялари билан боғлаб ўрганиш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Ёшларимиз онгида миллий истиқлол мафкураси ғояларини шакллантиришда энг йирик манбаа — бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Шу боис ўтмишда жаҳон илм-фанида улкан кашфиётлар қилган, дунё тан олган буюк олимлар, файласуфларнинг асарлари, уларнинг ғоялари билан ёшларни таништириш ҳозирги кунда ижтимоий фан мутахассисларининг бурчидир.

Дунё илм-фанида ўз назарий қарашлари, илмий асарлари билан чуқур из қолдирган буюк олимларидан бири Зигмунд Фрейддир. Жаҳон илмий-маънавий маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган бу буюк олим кўп қиррали таълимот соҳиби эди. У жаҳонда инсон руҳиятининг билимдони сифатида тан олинган.

Австриялик невропатолог, психиатр, психолог, медицина фанлари доктори З.Фрейд (1856-1939) Вена физиология институтида, кейинчалик Вена университетида профессор вазифаларида ишлади. Иккинчи жаҳон уруши пайтида Буюк Британияда яшади. Унинг Британиядаги дастлабки илмий тадқиқотлари бош мия физиологияси ва анатомиясига бағишланган эди. У руҳий хасталикларни психо-терапевтик даволаш методлари ва психологик асосларини ишлаб чиқди. Кейинчалик эса инсон ички, руҳий оламини тадқиқ этувчи кашфиётлар яратди.

Шахс, жамият ва маданиятни руҳий таҳлил асосида тадқиқ этган Фрейд маданиятшунослик ҳамда диншунослик назарияларига катта ҳисса қўшди, психосексуал назарияни яратди. Фрейд ўзининг таълимотини "Тушларнинг шарҳи" (1900), "Туш ҳақида" (1901), "Аламли ҳаёт психопатологияси" (1904), "Психосексуал назарияга кириш", "Руҳий таҳлил ҳақида" (1910), "Омма психологияси ва инсон, "Мен"и таҳлили" (1921), "Мен ва у" каби асарларида баён этган. Унинг таълимоти асосида фанда, айниқса, фалсафа, психология, педагогика ва бошқа фанларда турли янги оқимлар, қарашлар юзага келди. Унинг қарашлари педагогика фанига ҳам, шубҳасиз, таъсир кўрсатди.

З.Фрейднинг фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссасини, амалга оширган буюк кашфиётларини, айниқса, руҳий таҳлил назариясини жаҳон жамоатчилиги ҳақли равишда Аристотел, Ньютон, Гёте, Эйнштейн кашфиётлари билан тенг қўяди.

Кўп қиррали таълимот (маданиятшунослик, диншунослик, психосексуал ва бошқа) назариялар соҳиби бўлган бу олимнинг фаолияти, унинг мероси ҳақида бир мақола доирасида кенгроқ тўхталишнинг имкони йўқ, албатта. Биз қуйида фақат унинг руҳий таҳлил назарияси хусусида айрим мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз.

З.Фрейд инсон фаолиятида туғма хусусиятларнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб берди. Ҳар бир киши ота-онасидан туғма хусусиятлар (инстинктлар) олади. Одам ўз "Мен"ини ана шу инстинктлар устида қуради, дейди олим. Унинг устига эса ижтимоий онг қурилади.

Инсоннинг ички оламида, руҳиятида мавжуд бўлган ва яшириниб ётган, бошқалар таҳлил қилмаган томонларга эътибор берган З.Фрейд инсон руҳиятини уч қисмдан иборат, деб кўрсатади. Булар: 1. "У" (ид) онгсизлик: 2. "Мен" (Эго) онг; 3. "Мен"дан ташқари (супер эго). Инсон руҳияти, ички дунёси ана шу "учлик"дан ташкил топади, дейди Фрейд ва уларнинг аҳамиятини кўрсатиб беради. Бу унинг томонидан инсон руҳиятини таҳлил қилишнинг модели эди. Айни пайтда бу модел олимнинг инсон руҳияти, психологиясини тадқиқ этишга қўшган ҳиссаси ҳамдир. Бу моделнинг моҳиятини у қуйидаги ўхшатиш билан тушунтириб беради. Фрейд "У" (ид) онгсизликни чопқир отга, "Мен" (эго) онгни эса чавандозга ўхшатади. Отга минган чавандоз уни ўзи истаган томонга йўналтириши мумкин. Аммо куч-қудрат, энергиянинг манбаи чавандозда эмас, балки отда, от бутун юмушни бажаради. Шундан келиб чиқиб, бутун энергия, куч-қувватнинг манбаи онгсизликда, деб кўрсатади Фрейд. Албатта, чавандоз отни олдиндан мўлжаллаган манзилга қараб бошқаради. Бу эса "Мендан ташқари таг онг"нинг (подсознание) вазифасидир. Олим уни "идеал мен" деб атайди.

Фрейд онгсизликни инсон руҳиятининг муҳим томони, деб ҳисоблаган. Инсонда онглиликка қарагандa онгсизлик теранроқ, дейди у. Онг фаоллиги тўғрисида гапириш билан бирга, Фрейд онгсизликнинг ҳам фаоллигини кўрсатади. Олим онгсизлик ҳам ўзгармас, туғма инстинктгина эмас, балки у ҳам онг каби фаол такомиллашиб туришини таъкидлайди.

Хўш, онгсизлик механизми нимадан иборат? У инсоннинг билиш жараёни учун қандай аҳамиятга эга?

Фрейд инсон онгсизнинг фаолиятини хилма-хил руҳий жараёнлар, ҳолатларнинг кўпи соҳибқирон Амир Темурнинг тушларида аён бўлган. Унинг "Таржимаи ҳоли"да ғаройиб тушлари баён этилган. "Мен бошлаган ҳар қандай мушкул ишнинг бўлғуси натижаси менга аввалдан маълум бўлурди: мен бўлажак воқеаларни тушларимдан билиб олардим.

Масалан, хоқон Туғлуқ Темурнинг биринчи маротаба Мовароуннаҳрга келишини мен тушумдан билиб олдим. Тушумда қирғий учиб қўлимга қўнди, шу вақтнинг ўзида олдимга кўп сигир келди ва мен аларни соғиб олдим. Бу тушумни менга омад келишидан далолат беради, деб таъбир этишди, қўлимга келиб қўнган қуш — қудрат, кўп сигирлар эса менга келган бойликни билдирармиш. Дарвоқе, тушим ҳақиқат бўлиб чиқди...".

Тўхтамишга қарши жангга киришдан олдин соҳибқирон тушида бошида нур сочиб чарақлаб турган қуёшни кўради. Бу эса унинг Тўхтамиш устидан бўладиган ғалабасига ишора эди.

Ижод олами ҳақида фикр юритиб буюк композиторлар Моцарт ҳам, Шопен ҳам "Кимдир айтаётганга ўхшайди, мен эса уни нотага тушираман", деб ёзган эдилар. Россия Фанлар Академиясининг Олий нерв фаолияти ва нейрофизиологияси институти илмий ходимлари орасида тадқиқот олиб борилганда, психологлар томонидан сўралган 232 олимдан 182 нафари илмий муаммоларни изчил фикрлаш жараёнида эмас, балки тўсатдан кутилмаганда ҳал қилганликларини айтганлар.

Юқорида келтирилган факт ва мисоллар ҳам инсон руҳий оламининг энг муҳим жараёнларидан бири бўлган онгсизлик ҳақидаги Фрейд фикрларини тасдиқлайди.

Бизда олмон психологияси, жамиятга зид ҳаракатлар қилувчи ҳар хил тўдалар, айниқса, экстремистик тўдалар психологияси ўрганилмаган соҳа. Собиқ шўро ҳукмронлиги даврида бундай тўдалар, гуруҳлар йўқ, деб инкор этилар, илмий психологик нуқтаи назардан ўрганилмасди. Ҳолбуки, Фрейд ўзининг "Омма психологияси ва инсон "Мен"и таҳлили", "Мен ва у" каби асарларида бу муаммога ҳам жиддий эътибор берган, унинг кўпгина жиҳатларини таҳлил қилиб чиққан. Шу сабабли Фрейднинг бу соҳага оид илмий қарашлари, руҳий таҳлил тавсияларини чуқур ўрганиш ҳозирги кунда ҳар хил жиноятчи, диний-экстремистик тўдаларга қарши курашишда ва ана шу нопок гуруҳлар таъсирига тушиб қолган ёшларнинг фикри, феъл-атворини ўрганишда, уларни бу йўлдан қайтаришда ёрдам беради. Бу эса Фрейд таълимотининг бугунги кундаги аҳамиятини кўрсатади.

Айни пайтда мустақил Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги ислоҳотлар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Бу вазифаларнинг самарадорлиги инсон омилига, унинг фаоллигига боғлиқ. Ислоҳотлар жараёнида инсоннинг ўзи ҳам, руҳий олами ҳам, дунёқараши ҳам ўзгариб бормоқда. Омманинг ижодий меҳнат фаоллигини оширишнинг самарали, таъсирчан усуллари, воситаларини қўллаш талаб этилмоқда.

Бунинг учун эса ҳозирги ижтимоий жараёнлар моҳиятини шахс, омма психологиясини, руҳий оламини бугунги кун талаблари асосида чуқур ўрганиш, одамларнинг ижтимоий воқеаларга, сиёсатга бўлган муносабатини руҳий таҳлил қилиш зарур. Бу борада ҳам Фрейд таълимотига мурожаат этиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки ўз даврида бу олим шахс, жамият ва маданиятни руҳий таҳлил қилиш асосида, омма фаоллигини ошириш омилларини кўрсатиб берган эди.

Албатта, Фрейд таълимотининг камчиликлари, зиддиятли томонлари ҳам бор. У ўзининг диншунослик назариясида диннинг ижтимоий ҳаётдаги, тарбиядаги ролига юқори баҳо беради. Дин сусайган жойда ижтимоий таназзуллар бошланади, дейди олим. Аммо шу билан бирга, дин ижтимоий невроз, дейди Фрейд. Яъни инсон ўзи эътиқод қўйган диннинг талаблари, қоидаларини тўғри бажараяпманми, йўқми, деган хавф остида яшайди, дейди. Шунингдек, унинг қарашларида инсондаги жинсий мойилликка ва унинг оқибатларига ортиқча баҳо берилганини кўрамиз.

Буларга қарамасдан, Фрейд амалга оширган ишлар, унинг таълимоти инсоният учун катта аҳамиятга эга. Жаҳон фани, маданиятида инсон руҳининг билимдони сифатида тан олинган бу олимнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, унинг таълимоти, қарашлари билан халқимизни таништириш бугунги куннинг вазифасидир.

Тилакберди ПРИМОВ,
Қарши Давлат университети доценти, педагогика фанлари номзоди

Бундай мураккаб бир вазиятда ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир фуқаро ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, ўз бурчини виждонан адо этиши, ўз фарзандларини бегона ва ёвуз таъсирлардан асраши, қисқа қилиб айтганда, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшамоғи зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 6 минг ўринли уч қаватли бу ўйингоҳ лойиҳаси ўзига хос, жаҳон андозалари меъёрларига тўла мос келади ва Марказий Осиёда ягонадир.

ЯҚИНДА ТИНЧЛИКПАРВАР КУЧЛАР КИРИТИЛАДИ



АҚШнинг Афғонистондаги вакили Жеймс Доббинснинг айтишича, мамлакатга 22 декабрь куни хавфсизликни таъминлаш мақсадида халқаро тинчликпарвар кучларнинг биринчи гуруҳи киритилади. Гарчи, Доббинс қайси давлатларнинг аскарлари ҳамда уларнинг сони ҳақида маълумот бермаган эса-да, ундан аввалроқ Қўшма Штатлар мудофаа вазири Дональд Рамсфельд тинчликпарвар кучлар сони 5 минг нафардан ошмаслигини билдирган эди. Ўз навбатида, айни вақтинчалик бошқарувга раҳбарлик қилаётган Ҳамид Карзай ҳам аввалги интервьюларида ушбу масала юзасидан расмий Қобул халқаро кўмакка муҳтожлигини айтган эди.

ҲУДУД ЭГАЛЛАНГАН, БИРОҚ бин ЛОДЕН ЙЎҚ

Ҳозир "Ал-Қоида" ташкилотининг асосий таянч нуқтаси бўлган Тора-Бора ҳудуди тўла Шимолий Иттифоқ кучлари назоратида бўлиб, уларнинг айтишларича, бу ерда ҳеч қандай жангарилар қолмаган. Лекин, ташкилот раҳбари бўлмиш халқаро террорчи Усама бин Лоден тақдири ҳамон номаълумлигича қолмоқда. Тахминларга кўра, у Покистон томонга ўтиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Аммо, унинг жангариларидан 200 га яқини йўқ қилиниб, 35 нафари асир олинган бўлса-да, АҚШ вакиллари "Ал-Қоида" аъзоларининг кўпчилиги қамалдан қочишга ва тоққа яширинишга муваффақ бўлганликларини ҳам айтмоқдалар. Шунингдек, асирдаги араб ёлланма жангариларидан 10 нафарга яқини журналистларга кўрсатилган.

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ ЙЎЛИДА

Ҳозирги кунда жаҳоннинг барча мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва кўпгина ахборот воситаларида катта ташвиш билан ўз ифодасини топаётган муаммо — халқаро терроризм эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу тасодифий ҳол эмас, албатта. Чунки инсоният янги минг йилликка қадам қўйган, ўз тараққиётининг мисли кўрилмаган чўққиларига кўтарилган бир даврга келиб, шундай муаммога дуч келдики, унинг ҳалокатли нафасини бутун дунё яқиндан сезмоқда. Маълумки, ҳар қандай қабиҳлик каби, терроризмнинг ҳам на миллати ва на дини борлиги кундек равшан. Шу маънода исломни ниқоб қилиб олган биринчи рақамли халқаро террорчи Усама бин Лодин атрофига жипслашган жиноий гуруҳларни ҳам ислом ёки жафокаш афғон халқи билан уйғунлаштириш катта хато бўлур эди.

Ўзбекистон учун аслида терроризм янгилик эмас. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ халқаро терроризм осойишта ҳаётимизга таҳдид солиб келмоқда. Шунинг учун ҳам жонажон Ватанимиз ўн йилдан кўпроқ давр ичида халқаро ҳамжамиятни террорчилик хатаридан огоҳ этиб, унга қарши саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чақириб келмоқда. Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов 1993 йилнинг 28 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги нутқидаёқ афғон муаммоси, наркобизнес, ақидапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойилларининг тобора чигаллашиб бораётгани ва уларга қарши саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш вақти келганлиги ҳақида катта ташвиш билан гапирган эди. Ўзбекистон Президентининг бу йўналишдаги фаолияти йилдан-йилга кучайиб борди. 1995 йил 15 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро анжуманда Юртбошимиз халқаро ҳамжамиятга мурожаат этиб, терроризм ва наркобизнесга доир маълумотларни марказлаштирувчи ягона ахборот тизимини яратишни таклиф қилди, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) 1999 йил ноябрда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган саммитида эса И.Каримов терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузишни таклиф қилган эди.

Аммо, "танаси бошқа — дард билмас" деганларидек, то бош деворга теккунича эзгуликни кўзлаган ушбу даъватлар жавобсиз қолди. Бироқ замоннинг ўзи — буюк муаллим. У Ўзбекистон раҳбарининг чақириқлари нечоғлик ҳаётий эканлигини аччиқ сабоқ орқали кўрсатиб берди. Натижада халқаро ҳамжамият терроризм хатарини теран идрок этиб, унга қарши фаол курашни бошлаб юборди. Маълумки, Олий Мажлиснинг VII сессиясида Ўзбекистон халқига Мурожаат қабул қилинган эди. "Бугун Афғонистон ва унинг теварагида рўй бераётган воқеалар терроризмга қарши кураш бир кунлик ёки бир ойлик иш эмаслигини яққол кўрсатиб турибди. Бундай мураккаб бир вазиятда ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир фуқаро ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, ўз бурчини виждонан адо этиши, ўз фарзандларини бегона ва ёвуз таъсирлардан асраши, қисқа қилиб айтганда, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшамоғи зарур. Шундагина у юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги учун, буюк келажагимиз учун муносиб ҳисса қўшган бўлади. Шу маънода "Ўз уйингни ўзинг асра", деган шиоримиз бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди", дейилади Мурожаатда.

11 сентябрь воқеалари бу — террорчилик, айниқса, сиёсий зўравонлик, айнан шу санадан бошланади, деган маънони англатмайди, албатта. Тарих ҳақиқати шундайки, бизнинг тушунчамиздаги терроризм Европада XVIII асрдаёқ сиёсий саҳнага йўл топган эди. Бугунгача у бир неча босқичларни босиб ўтди. Уларнинг мазмун-моҳиятини зўравонликни касб қилиб олган алоҳида шасхлар ёки гуруҳлар томонидан айрим давлат арбобларига қарши уюштирилган суиқасдлардан бошланиб, ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун оммавий қирғин-баротларга кўтарилишгача бўлган эволюцияда кўриш мумкин.

Терроризмнинг бугунги моҳиятини ташкил этувчи энг хавфли тамойиллар — қурбонлар сонининг кескин кўпайиши, жўғрофий ва сиёсий чегаралар тушунчасининг емирилиши, энг замонавий технология ва қурол-аслаҳадан фойдаланиш имкониятининг беқиёс кенгайгани террористик характерлар сонининг мунтазам ошиб бораётганида ўзини намоён этмоқда. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият онгида терроризм умумбашарий тамаддун учун нечоғлик ҳалокатли уюшган кучга айланиб бораётган идрокини беқиёс кучайтирди.

Ўзбекистон ва унинг раҳбари XXI аср вабосига қарши кураш борасида олиб бораётган қатъиятли ва мустақил сиёсат давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада оширмоқда. Ўзбекистон нафақат Афғонистон заминида, балки бутун дунёда терроризм ўчоқларининг бутунлай тугатилишидан манфаатдордир. Чунки, бу манффаат негизида юртимиз тинчлиги, равнақи, фарзандларимиз келажаги мужассам.

Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши кураш ҳамда Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттираётган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаши жаҳон ҳамжамияти, ўнлаб давлатлар томонидан юқори баҳоланди. Айниқса, Ғарб давлатлари, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан бормоқда. Ёдингизда бўлса, яқинда АҚШ раҳбари Жорж Буш Ўзбекистон Президенти номига мактуб йўллаган эди. Ундаги муҳим жойдан бир фикр келтирамиз: «Биз Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Сизнинг Термиздаги кўприкни очиш тўғрисидаги қарорингизни маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Бу қадам оғир аҳволда қолган афғон халқига ёрдам бериш борасидаги қатъиятингизни бутун дунёга намойиш этади».

Яқиндагина "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясига тегишли поезд Ҳайратонга жўнатилганлигининг гувоҳи бўлган эдик. Унда 800 тоннадан зиёд инсонпарварлик юклари: озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурилиш материаллари бор эди. Ана шу юкларнинг 25 тоннаси Франция мамлакатига тегишли бўлса, бир қисми Ўзбекистон халқининг афғон биродарларимиз учун жўнатган ёрдам юклари эди. Ўша куни Термиз дарё порти орқали ҳам қарийб 200 тоннага яқин юк баржада Ҳайратонга ўтказилди ва шу пайтгача Термиз орқали 2200 тоннадан кўпроқ инсонпарварлик юклари Афғонистонга олиб ўтилди. Бу юклар АҚШ, Англия, Франция каби мамлакатлардан инсонпарварлик юклари сифатида жўнатилди. Бу ишда БМТнинг кузатувчи сифатида иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон бундан буён ҳам ана шундай гуманитар мақсадлар учун мамлакатимизнинг ер, сув ва ҳаво ҳудудлари доимо очиқлигини яна бир карра баён этди.

Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2001 йил 15 ноябрда қабул қилган қарорида Афғонистоннинг янги, вақтинчалик маъмурияти ва бўлажак ҳукумати кенг коалицион асосда тузилиши, яъни унинг таркибида афғон диёрида истиқомат қилаётган барча ҳудудий, этник диний гуруҳларнинг вакиллари бўлиши, бу ҳукумат қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда тинчлик ва яхши қўшничилик тамойилларига амал қилиши ва халқаро нормаларга итоат қилиб яшаши лозимлиги алоҳида таъкидланган. Хулоса қилиб айтганда, нафақат Афғонистон атрофида жойлашган қўшни давлатлар учун, балки онгли ҳаёт кечираётган барча халқлар учун тинч-тотув яшайдиган, бетараф бўлган ва барқарор ривожланиш йўлидан борадиган янги Афғонистон керак. Бизнинг мамлакатимиз афғон заминидаги қонли тўқнашувларнинг тезроқ барҳам топишидан энг манфаатдор бўлган мамлакат сифатида БМТнинг қарорини ҳар томонлама қўлламоқда. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатида аниқ баён этилганидек: "Афғонистоннинг келажаги — афғон халқининг ўз қўлида. Қандай давлат қуриши, қандай тараққиёт йўлини танлаш шу мамлакатда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Бу борада БМТнинг раҳнамолиги ва кўмаги муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Шу билан бирга, йигирма икки йил давом этган муттасил уруш натижасида вайрон бўлган иқтисодиётни тиклашда ҳам афғон халқига жаҳон ҳамжамиятининг ёрдами даркор".

Айтиш жоизки, халқаро терроризмга қарши курашнинг асосий жабҳаларидан бирини дипломатик фронт деб, аташ мумкин бўлиб қолди. Дипломатия дегани — фақатгина сиёсий чоралар билан чекланмайди. Балки сиёсий механизмлар воситасида барча омилларни ҳаракатга келтиришни назарда тутади. Жумладан, терроризм ўз-ўзича фаолият кўрсатмайди. Бўш қоп тик турмаганидек, халқаро терроризм тагзаминида ҳам иқтисодий омил ётгани аниқ, албатта. Мадомики шундай экан, халқаро терроризмнинг молиявий таянчларини йўқ қилиш ҳам йирик масалалардан биридир.

Шуни ҳам алоҳида англаб етиш керакки, турли давлатлар, турли сиёсий кучларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнашиб ётган бугунги мураккаб дунёда тинчлик-осойишталикни сақлашга ўз-ўзидан, осонликча эришиб бўлмайди. Президент И.Каримов "Тинчлик учун курашмоқ керак" асарида таъкидлаганидек, "бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш — бу давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага, авваламбор, мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак".

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи

Bizning sharh

ЯНА ҚУРБОНЛАР БЕРИЛМОҚДА

Фаластин раҳбари Ёсир Арофатнинг исроилликларнинг зўравонликларига чек қўйиш ҳамда музокаралар столига ўтириш борасидаги чақирувидан бир кун ўтар-ўтмас яна фаластинликлардан 3 нафар қурбонлар берилди. Шунингдек, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида бир полициячи ҳамда "ХАМАС" ҳаракатининг аъзоси ҳалок бўлди. Афсуски, ҳозир ҳам Исроил қуролли кучлари ўз ҳаракатларини тўхтатмаётган бўлиб, Наблус шаҳридаги тўқнашувда ҳам Фаластин полициясидан йўқотишлар юз берган.

Ўз навбатида БМТ ҳам ушбу можарога жиддий эътибор бераётган бўлиб, расмий Тель-Авивнинг бугунги олиб бораётган сиёсати мазкур нуфузли халқаро ташкилот томонидан танқид этилди, дейилади Франс-Пресс агентлиги тарқатган хабарда.

ТОЗАЛАШ ИШЛАРИ ТУГАТИЛДИ

"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Аргун шаҳрида қамал ҳолати тугатилиб, Россия федерал кучлари ўтказилган махсус операциялар чоғида 20 дан ортиқ жангариларни йўқ қилганлар ҳамда 50 нафардан ортиқроғини асир олганлар. Шунингдек, халқаро террорчи ҳисобланмиш Хаттобнинг яраланганлиги ҳақида ҳам маълумот бор. Лекин бу хабар ҳозирча мустақил манбалар томонидан тасдиқланганги йўқ.

БУХОРО БАЙРАМГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

«Universiada—2002»



Шу кунларда Бухорога ташриф буюрган киши кенг кўламда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлади. Мутасадди ташкилотлар саъй-ҳаракати, кенг жамоатчилик кучи, халқимизнинг анъанавий удуми ҳисобланган ҳашар йўли билан дов-дарахтлар шох-шаббалари тартибга келтирилиб, остига ишлов берилмоқда. Сув йўллари тозаланмоқда. Мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари ўтказилмоқда.

Бундай манзарани нафақат вилоят маркази, балки барча туманларда ҳам кузатиш мумкин. Бухороликлар келгуси йил ёзда бўладиган катта байрам — "Универсиада—2002"га ана шундай қизғин ҳозирлик кўраётирлар.

Кўпгина янги спорт иншоотлари янгидан қад ростламоқда. Мавжудларини эса пухта таъмирлаб, тўлиқ қайтадан жиҳозлаш, замонавий шарт-шароит яратиш ишларига ҳам анча аввал киришилган эди. Бугунги кунга келиб "кичик олимпиада" номини олган мазкур байрамнинг тантанали очилиш маросими, ҳал қилувчи мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган "Бухоро" ўйингоҳи бутунлай бошқа, ниҳоятда кўркам қиёфага кираётир. Ҳозирга қадар мазкур йирик объектда қурилиш-монтаж ишларининг қарийб 70 фоизи туналланди. Бу салкам 2 миллиард сўмни ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 6 минг ўринли уч қаватли бу ўйингоҳ лойиҳаси ўзига хос, жаҳон андозалари меъёрларига тўла мос келади ва Марказий Осиёда ягонадир.

Бухоро Давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти спорт иншоотлари, "Семурғ", "Ёшлик" сингари спорт мажмуалари билан бир қаторда Когон шаҳри, Бухоро, Ромитан, Қоракўл, Жондор, Вобкент сингари туманлар марказларидаги ўйингоҳлар ҳам капитал таъмирдан чиқарилмоқда.

— Катта спорт байрамига ташриф буюрадиган 3000 нафар иштирокчининг 1600 нафарини университетимиз ётоқхоналарига жойлаштириш кўзда тутилган, — дейди БДУ ректори, ЎзФА академиги Комил Муқимов. — 3 та ётоқхонамизда замонавий меҳмонхоналардан қолишмайдиган даражадаги шарт-шароит яратилаяпти. 800 ўринли талабалар ошхонаси ҳам деярли янгиланмоқда. Меҳмонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳар томонлама қулайликлар яратилаяпти. Ўйингоҳ ва спорт залларимиз ҳам мусобақаларга ҳозирланмоқда.

Бу жараёнлар кўламини тасаввур этиш учун 435 миллион сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж, таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилганлиги, бу бунёдкорликларга "Бухоро-қурилишмонтаж" ҳиссадорлик жамиятининг 170 нафар, университетимиз ҳузуридаги таъмирлаш бошқармасининг 40 нафар ишчиси, 50 нафарлик талаба-ёшлар бригадаси жалб этилганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Университет ҳудудида ободонлаштириш тадбирлари ҳам тобора қизғин тус олаяпти.

— Бутун диққат-эътиборимиз келгуси йилнинг 1 апрелига қадар "Универсиада" дастурига қаратилган барча объектлардаги таъмирлаш, қурилиш-монтаж, пардозлаш ишларини тўла ниҳоясига етказишга қаратилган, — дея фикрини давом эттиради Комил Муқимов. — Апрель ойида эса уларни жиҳозлаб, катта спорт байрамига тахт қилиб қўямиз.

Университет жамоаси кичик олимпиадага мезбон сифатида қизғин ҳозирлик кўриш билан бир вақтда вакилларининг катта беллашувларга яхши иштирок этиши масаласига ҳам муносиб эътибор қаратган. "Универсиада—2002"да қатнашадиган майдон эгаларининг 90 фоизидан ортиғини мазкур олийгоҳ талаба-ёшлари ташкил қилишини назарга оладиган бўлсак, бу масала ҳам нечоғлик муҳим аҳамият касб этиши яққол намоён бўлади. "Универсиада" дастурига кирган 13 спорт тури бўйича таркиб топган жамоаларнинг Тошкент, Зарафшон, Жиззах, Чирчиқ, Нукус шаҳарларида бўлиб ўтган турли мусобақаларда иштирок этганлиги кучларни баҳолаш, маҳоратни ошириш, олдинга аниқ, асосли мақсадлар қўйишда ўзига хос сабоқ вазифасини ўтамоқда. Волейболчи қизлар, шунингдек, курашчи, енгил атлетикачи талаба-ёшлар Урганч Давлат университетидаги тенгдошлари билан куч синашиш учун Хоразм сафарига ҳозирлик кўришаяпти.

Худди шундай Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, вилоят халқ таълими ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари томонидан ҳам мезбон сифатида кўпгина ибратли тадбирлар амалга оширилаётир.

"Универсиада"га ҳозирлик кўриш ташкилий қўмитаси бу йирик спорт беллашувларига хорижий мамлакатлар вакилларини ҳам таклиф этиш ниятида. Шундай бўлса, мазкур анжуман очиқ универсиада тусини олади, мазмунан янада бойийди, нафақат мамлакатимиз ёшлари, балки мамлакатларнинг дўстлиги, ҳамкорлиги тимсолига айланиб қолади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Ma'rifat"нинг
махсус мухбири

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Португалия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси, Мадриднинг ишонган ўйинчиси Луиш Фигу 2001 йилда «Жаҳоннинг энг зўр ўйинчиси» номини қўлга киритди.

Бу номни қўлга киритишга ҳаракат қилган англиялик ярим ҳимоячи Дэвид Бэкхем ва испаниялик ҳужумчи Рауллар 2 ва 3-ўринларни банд қилди.



Фигу 2000 йилда Европада энг зўр ўйинчи деб топилганди. Айнан шу йили франциялик Зидан уни бир баҳя ортда қолдиргани учун "Дунёнинг энг зўр футболчиси" деган номдан маҳрум бўлганди.

КУТИЛМАГАН НАТИЖА

Лас-Вегас рингларида Эвандер Холифилд ва Жон Руиз ўртасида оғир вазнда жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган жанг дуранг натижа билан якунланди.

12 раунд давом этган жангда Руиз WBA йўналишидаги чемпионликни сақлаб қолди.

Бу икки боксчи учинчи бор бир-бирига қарши рингга чиқишди. 2000 йил августдаги жангда Холифилд очколар ҳисобига Руизни доғда қолдирганди.



Холифилд ўша жангда 2 миллион долларга яқин ишлаганди. Шу кунгача Холифилд 37 жанг ўтказган, шундан рақибларини 25 марта накаутга учратган.

Руиз шу кунгача 37 марта ғолиб бўлган (27 накаут). 4 марта мағлуб ва 1 та дуранг ҳисобини қайд этган.

"ЛИВЕРПУЛЬ"ГА ОМАД КУЛИБ БОКДИ

"Уорлд Соккер" томонидан уюштирилган сўровнома "Ливерпуль"нинг кучли жамоа эканлигини кўрсатиб берди.

Европада "Йилнинг энг яхши футболчиси" номи ҳам шу клуб ҳужумчиси Майкл Оуэнга насиб этди. У бундай совринни қўлга киритган биринчи инглиз футболчиси. Шу клуб устози Жерор Илья "Йилнинг энг яхши мураббийи" деб топилди.

"Ливерпуль" эса "Йилнинг энг яхши жамоаси" деган номга сазовор бўлди.

"СПОРТ-ЭКСПРЕС" ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Аёллар ўртасида гандбол бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи марта Россиянинг терма жамоаси "Спорт экспресс" жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Бу мусобақанинг финал босқичида россиялик қизлар Норвегия командасини 30:25 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Бу жамоа охирги марта 11 йил аввал Жанубий Кореяда чемпион бўлганди.

ҚАРОРГОҲ ЭТИБ ЧЕДЖУ ТАНЛАНДИ

Бразилияликлар ниҳоят ЖЧ—2002 ўтказиладиган пайтда жамоанинг машғулот қароргоҳи қаерда бўлиши борасида бир тўхтамга келдилар. Тетракомпеонлар Жанубий Куриядаги Чеджу оролининг Согвипо шаҳрида қўним топадилар. Айнан шу майдонда 8 июнь куни ўзларининг гуруҳидаги иккинчи ўйинини Хитой терма жамоасига қарши ўтказадилар.

Бу ва бразилияликлар иштирокида бўладиган яна иккита ўйиннинг чипталари сотиб бўлинди.

"ФОРМУЛА—1"ДАН УМИД КАТТА

Германиянинг Кёльн шаҳрида "Toyota" жамоасининг намойиш маросими бўлиб ўтмоқда. Эндиги мавсумда ўтказиладиган автомобиль пойгаси бўйича жаҳон чемпионлигида "Формула—1" машинаси энг зўр эканлиги қайд этилмоқда. Бу янги автомашина "Michelik" фирмасида ишлаб чиқарилган. У қизил-оқ рангда бўлиб, таркиб бошлиқлари Аллен Мокниш ва Мика Солилар томонидан таърифланмоқда. Командага Panasonic компанияси ҳомийлик қилмоқчи.



«Интернет» хабарлари асосида
Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

Барчаси-чун минг бор ташаккур,
Минг бор таъзим, минг бора қуллуқ!
Ўсди фикр, онг ва тафаккур,
Беминнатим, тенги йўқ, улуғ!

Австралиялик олимларнинг ихтироси бу давлатга катта миқдорда даромад келтириши кутилмоқда.

КИТОБИМ – ОФТОБИМ

Насиҳатгўй, тўғри
сўз ошно,
Топинганим ўзинг,
китобим.
Йўлларимга
таратдинг зиё,
Баҳри осмон,
меҳри офтобим.

Ўргатолдинг севги, вафони,
Меҳру шафқат, инсоф, диёнат.
Бардош ила енгум жафони,
Қилмам асло дўстга хиёнат.

Ҳаётимга кириб келдинг Сен,
Кўксинг тўла битмас хазина.
Руҳим ичра қушдай елдинг сен,
Довонларга олтиндан зина.

Барчаси-чун минг бор ташаккур,
Минг бор таъзим, минг бора қуллуқ!
Ўсди фикр, онг ва тафаккур,
Беминнатим, тенги йўқ, улуғ!

Мавлуда АЛИМОВА,
Асака туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси

ХАЛҚИМ ХИЗМАТИДА

Сўзлардан марварид шодасин тузиб,
Сенга ҳадя этмоқ истайман, халқим.
Шеърият боғидан нафис гул узиб,
Қўлингга тутқазмоқ истайман, халқим.

Бундайин бахтга гар муяссар бўлсам,
Беғубор туйғуга севинчга тўлсам,
Дўст йиғласа йиғлаб, кулганда кулсам,
Заррача армоним қолмагай, халқим.

Халқим хизматингда мен мудом турсам,
Эзгулик йўлида қаламим сурсам,
Бахтли кунларингда ҳиссамни кўрсам,
Юртим шоирларин сафида юрсам.

Акбар ЭШМУҲАММАД

ҚУВОНЧ

Бир дам ташвишларим мени холи қўй,
Бир дам тўлқинларга тўлсин юрагим.
Бир дам ҳисларимни, ҳаяжоним туй,
Нур бўлиб йўлимда порла, тилагим.

Энди эшигингни очмагин қайғу,
Шодликлар қасрига кетаётирман.
Ҳис ва ҳаяжондан яралган туйғу,
Мен уни қоғозга тўкаётирман.

Лола ПЎЛАТОВА,
Қизилтепа туманидаги 3-касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси

ТОНГ

Яқинлаётган гўзал тонгнинг,
Дарагин берар жарчи хўроз.
Сокин ухларди сас денгизи,
Чайқалди бирдан тўлқин-овоз.

Оламни тутди тонг қўшиғи,
Ёғдусин сочар оппоқ саҳар.
Бирдан сочилди кенг оламга, —
Фаввора бўлиб рангин нурлар.

Неъмат КАТТАБЕК,
Зарбдор туманидаги 19-мактаб математика ўқитувчиси

ТЎЙ ХАТИ

Ҳулё, ҳулё кўнгилларни,
Кечиб келар сурудимсан.
Ҳулво-ҳулво маъволардан
Ичиб келар ҳудудимсан.
Аё, менинг тилларимда,
Кўчиб юрган дурудимсан.
Тунлар кўксим нимталаган
Шеъриятим — беҳудимсан.

Умримизда ёз оқмоқда,
Саратоним оқмоқдадир.
Мустақиллик тўйга қараб
Тўртта ёним оқмоқдадир.
Узв-аъзомдан сизиб ётган
Чак-чак жоним оқмоқдадир.

Томиримда эранларнинг
Шаҳид қони оқмоқдадир.

Яссавийга ҳузур берган,
Узлатимдирсан сен менинг.
Оломондан халққа кўчган,
Ҳижратимдирсан сен менинг.
Юрт сўраган момоларим,
Хислатимдирсан сен менинг.
Алпомиш қўриқлаб ётган,
Исматимдирсан сен менинг.

Рубъи маскун назми аро,
Навоий - сайроғим Ватан
Қаламимни тарашлаган,
Қайраган қайроғим Ватан.

Сўз меърожин сайр этарга,
Шеърият — буроғим Ватан.
Ишқ — одамийга туғрою,
Муҳаббат — байроғим Ватан.

Беҳзод бўлиб чизаяпман,
Ҳайратим тарҳини бугун.
Навоийдай юзаяпман —
Сиришким наҳрида бугун.
Бобур каби ёзаяпман
Ватаннинг мадҳини бугун.
Чаҳ-чаҳ куйлаб узаяпман
Кўнгилнинг маҳрини бугун.

Муҳаббат ТЎХТАШЕВА,
Иштихон туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси

Ko'ngil bitiklari

ОЗОД ИСТАР ҚЎЛЛАРИНИ

Дунё юзин кўрди, дейлик:
Гўдакка сиғмас,
Озод истар қўлларини,
Йўргакка сиғмас.

Тонг ёришмай самога қуш
Бошлар парвозин,
Зўрга тунни ўтказар у,
Ковакка сиғмас.

Ширин учун Фарҳод тоғни
Талқон айлаган,
Ишқ шундайин кучли, билсанг,
Билакка сиғмас.

Саховатнинг тафти иссиқ,
Жаҳонга татир,
Ёмонликка қаҳри ҳам зўр,
Юракка сиғмас.

Гул бутоғи ниш урганда,
Миттигина ул,
Бугун яшнар шохин ёзиб,
Тувакка сиғмас.

Дунё иши нақ камалак,
Товланар хил-хил,
Ақлга ҳам сиғмас, ҳатто
Эртакка сиғмас.

Ташвишлар кўп, ғулулар кўп,
Истаклар ҳам кўп,
Раззоқ, дўстга айтар сўзинг
Тилакка сиғмас.

Раззоқ ИБРОҲИМ,
Ҳазорасп туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси

Xullas...

АРЗИМАС ПУЛДАН МИЛЛИОНЛАР

Камбағал, камсуқум, бир умр йўқчиликдан зорланиб ўтаётган арман фуқароларидан бирига Америкада бўлиш насиб этди. Унинг фикрича, бу мамлакатда пул ишлашнинг чексиз имкониятлари мавжуддек эди. Лас-Вегас шаҳридаги автомат ўйинлари хонасига кирган арманистонлик фуқаронинг чўнтагида 3 доллар бор эди. Ютса-ку хўп-хўп, ютқазиб қўйса, ҳоли нима кечади?

Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битади, деганларидек, меҳмоннинг арзимас пули ҳеч қанча вақт ўтмай, 2,5 миллион долларга айланди.

Бу билан Америкага бориб бойиб кетасиз, демоқчи эмасмиз. Бераман деганга ҳамма жойда ҳам бераверади.

КАМЕРАДА ТОЗА ҲАВО

Спортчиларга тоза ҳаво керак. Кўпинча уларга тоғларда сайр қилиш маслаҳат берилади. Аммо бунга ҳар доим ҳам имкон топилавермаслигини ҳисобга олган Австралия тиббиёт ходимлари ичига тоза ҳаво тўлдирилган камера кашф этдилар.

Шуниси қизиқки, камералар турли ҳажмда бўлиб, ўзлари тугул, спортчиларнинг анжомлари ҳам сиғиб кетади. Масалан, машина, велосипед, шахмат, шашка ва ҳоказо.

Камерага кириб олган спортчи ўзини аршу аълога чиққандек ҳис қилади.

Австралиялик олимларнинг ихтироси бу давлатга катта миқдорда даромад келтириши кутилмоқда. Камерани сотиб олишга ва ўз спортчилари соғлиғини мустаҳкамлашга ҳар қандай давлат ҳам қизиқса керак.

ЧЕКИШНИНГ БОШҚА ЗАРАРИ

Чекишни ташлай олмай хуноб бўлиб юрган америкалик Жон Милз танлаган йўл хатарли эди: сигарета қистириладиган бармоқларидан бирини кесиш...

Юрак орқага тортиб кетади-я. Аммо ярамас одатдан қутулолмаслик Жонни хавф-хатарли ишни амалга оширишга ҳар лаҳзада ундарди.

...Ўн қўлининг кўрсаткич бармоғини кесгач, одам қандай аҳволга тушишини бир тасаввур қилинг-а! Шифокорлар Жоннинг жонига оро киришди. 10 соатлик операция! Муваффақият! Бармоқ кесилган жойга зарурий ёрдам кўрсатилгандан сўнг Жон Милзнинг аҳмоқона чораси кескин қораланди. Аммо қолипдан кўчган гиштни аввалгидек ўз ўрнига қўйиб бўлмас эди...

ana shunaqa gaplar

Республика Онкология илмий маркази жамоаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги **Ўктам Орипович ОРИПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ҚАЙТАР ДУНЁ

(Эртак)

Жуда қадим замонда Чўли Малик томонда яйдоқ даштнинг қоқ ўртасида сув тўпланадиган бир сардоба бўлган экан. Сардобанинг назардан панадаги томонида чувалчанглар макони бўлиб, Соқир уларга подшоҳ экан. Чувалчанглар золим подшоҳ зулмидан безиб, охири уни тахтдан қулатишипти. Дўстлари ҳам аҳмоқ ва ўзбошимча Соқирдан юз ўгиришибди. Яккаланиб қолган Соқир ўз қавмидан қасос олиш режасини тузишга киришиб, узоқ ўйланибди. Ўйлай-ўйлай номи кўпчиликнинг юрагини ваҳимага соладиган Ўқилонга мурожаат этишга қарор қилибди ва йўлга тушибди.

— Сен билан қиёматлик дўст бўлиш учун ҳузурингга келдим, — гап бошлабди Соқир. — Фақат сен дардимга даво бўла оласан. Мени ўз қавмим шармандаи шармисор қилди. Мени ана шу шармандаликдан қутқарасан, қудратингга ишонаман. Дўстларинг билан бирга чувалчангларга қирон келтирасан. Шундагина мен шармандаликдан қутулиб, ҳаётдан хотиржам кўз юмишим мумкин.

— Қани, қаерда улар? — шошилинч сўрабди очликдан силласи қуриб бораётган Ўқилон. — Кўз очиб юмгунча улардан ном-нишон қолдирмаймиз.

Ўқилон қаттиқ вишиллаган экан, дарҳол шериклари тўпланишибди. Соқир йўл бошлабди. Кўп ўтмасдан сардобанинг кунботар томонида мисли кўрилмаган қиёмат бошланибди. Чувалчанглар Соқирга лаънат ёғдиришибди. Илонлар чувалчангларни бўғизларидан қайтгунча ейишибди. Ортганларини битта қолдирмай нобуд қилишибди.

Соқир душманлардан қасос олганидан қувончнинг чеки йўқ. Тинмай ўзича хиргойи қилармиш, Ўқилон билан суҳбатларида эса нуқул дўстлик, биродарликдан лоф ураркан. Бир неча кун шу алфозда ўтибди.

Кунларнинг бирида Ўқилон Соқирга қараб шундай гап бошлабди:

— Дўстлигингга шубҳам ортиб бораяпти, ўз қавмига зулм ва бедодликлар қилган кимса бошқаларга яхшиликка ярармикин?

Соқирнинг юраги увишиб, бутун вужудини қалтироқ тутибди, тили калимага келмай қолибди. Хатосини англаб, минг-минг пушаймонлар қилибди, лекин энди кеч бўлган эди... Ўқилон вишиллаб уни ўз комига торта бошлабди.

...Эҳ, Соқир, хиёнатим жавобсиз қолади, деб ўйлаганмидинг, қайтар дунё бу — Соқир. Шоҳликдан айрилсанг ҳам қавминг, маконинг бор эди-ку...

Тоҳира НУРИДДИНОВА,
Чуст туманидаги 58-мактаб ўқувчиси

«MA'RIFAT» ЧАЙНВОРДИ



1.“Ma'rifat” газетасининг олдинги номи.
2.“Ma'rifat” газетасининг бош муҳаррири ўринбосарларидан бирининг исми.
3.“Ma'rifat” газетаси қошида ташкил этилган нашриёт.
4.Бош муҳаррир ўринбосари (фамилияси).
5.“Ma'rifat” нинг таъсисчилари минбари бўлган рукн.
6.Чоршанба сонларида 1-режада бериладиган рукн.
7.Таҳрир ҳайъати аъзоларидан бири.
8.“Ma'rifat” нинг собиқ бош муҳарриридан бири.
9.“Куч билим... тафаккурда”. (“Ma'rifat”) шиори).
10.Чоршанба кунлари бериладиган рукн: «Хуллас»...
11.“Ma'rifat” фотомухбири.
12.Афғонистон воқеаларини ёритиб бориш учун ташкил этилган рукн.
13.Мустақиллик берган неъматлар мадҳ этиладиган рукн.
14.“Ma'rifat” газетаси тарқатадиган зиё.
15. Ўзбек зиёлилари, таниқли кишилари билан суҳбатлар ўтказилаётган саҳифа.
16.Газетадаги танқидий рукнлардан бири.
17.Газета таҳрир ҳайъати аъзоси, собиқ бош муҳаррир, шоир (тахаллуси).
18.“Ma'rifat” бўлимларидан бири.
19.Фикр, мулоҳаза, талаб ва ... лар бериладиган рукн.
20.Масъул котиб исми.
21.Карвонли тахаллуси билан қалам тебратувчи “Ma'rifat” ижодкорининг фамилияси.
22.Рукн номи. «Дарсликларни...»
23.“Ma'rifat” да берилаётган мақолаларга жавобан юборилган хатлар асосида тайёрланадиган рукн.
24.“Ma'rifat” муассисларидан бири.
25.““Ma'rifat” газетасининг олдинги шиори.
26.Муассисларнинг меъёрий ҳужжатлари бериладиган рукн.
27.Муштарийлардан келаётган саволларга жавоб тарзида тайёрланадиган рукн.
28.Бир ҳудуддаги икки ҳил ҳолатни очиб берувчи рукн.
29.Газетанинг биринчи бетида берилаётган журналистика жанри.
30.Турли тадбирларга тайёргарлик ҳақида маълумот берувчи рукн.
31.“Ma'rifat” газетаси берадиган сабоқ.
32.Конституциямизнинг 9 йиллигига бағишлаб ХТВ, ДТМ ва газета таҳририяти ўтказаётган танлов номи.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ,
“Ma'rifat” мухбири

МАШҲУРЛАРНИНГ СЎНГГИ СЎЗЛАРИ

Мохатма Ганди — XX асрнинг энг кўзга кўринган сиймоларидан. Ҳиндистон озодлиги йўлида машаққатли ва лол қоларли кураш олиб борган ва бу кураш йўлида ҳеч нарсани аямаган.

Бир мутаассиб ҳинд томонидан қутилмаганда ўққа тутилади. Танасидан қон сизиб чиқаётган истиқлол курашчисининг сўнгги сўзи:

***— Хей Рам (Оҳ, Тангрим)** бўлди...*

***Архимед** — буюк олим, риёзиётчи ва физик. “Эврика!” дея ҳайқириб сувдан чиққани, топган физик қонунлари қадар машҳурдир.*

Римликларнинг Сиракуза шаҳри қуршови пайтида у ҳам шу шаҳарда эди. Шаҳарга кирган бир аскар кекса Архимедни ўз чизмаларига тикилиб турган ҳолда кўрди. Гапларига аҳамият бермаганини кўриб, аскар унга ҳамла қилади. Чизмалари таҳлика остида қолганини кўрган Архимед:

***— Чизмаларимни бузма...** — дея ҳайқиради. Бу унинг сўнгги сўзлари эди.*

***Гёте** — атоқли байналмилал олмон санъаткори. У яратган “Фауст” асари жаҳон адабиётининг дурдоналариндандир.*

*1932 йил 21 дан 22 мартга ўтар кечаси толиққан адиб юмшоқ ўриндиқда ухлар эди. Тонгда уйғониб: “Бугун ойнинг нечанчи куни?” — дея савол берди. “22 нчиси”, — деган жавобни олган Гёте секингина: “Яхши, демак баҳор бошланди”. — леб қўйди ва яна ётиб, енгил, тотли уйқуга кетди. Хонадаги сукунатни унинг: “Қора кокилли бу аёлнинг сочини, соялар орасида унинг ажойиб тажаллисини кўраяпсанми?” — деган сўзлари бузди. Кейин: “Ойнани очинг, кўпроқ ёруглик кирсин... Фредрик, у ердаги картонни расмлари билан олиб бер... Йўқ, китобни эмас, картонни... — дея хитоб қилди. Уларни топа олмагач: **“Демак, туш кўрибман...”** дейди.*

Соат ўнда шароб истади ва бошқа гапирмади.

***Леонардо Да-Винчи** — дунёнинг энг машҳур рассоми, меъмор ва ҳайкалтарошларидан. Унинг биргина “Мона Лиза” асари жаҳон санъат шайдоларини лол қолдириб келмоқда. Қирол таклифини қабул қилиб, “Premir peintre, architecte et mecanicien du roi” (Қиролнинг бош рассоми, меъмори ва техник мутахассиси) унвонини олган.*

*... Унг қўли билан ишлай олмайдиган ҳолга келгандан кейин чизмалар чизишни чап қўли билан давом эттиради. Ниҳоят ҳолсиз ётоғига бориб ётади. Қирол кекса Леонардони зиёрат қилишга келганида, жуда ҳам ҳолсизлигига қарамай ростланмоқчи бўлади. Қирол уни ушлаб қолади. Ўзини қиролнинг қўлида кўрган рассом унга қараб: **“Ҳашаматли ҳукмдорнинг қўлларида жон бермоқ, мен учун шарафларнинг энг буюгидир...”**, — дейди ва шу шарафга ноил бўлади.*

***Мартин Лютер** — буюк олмон реформатори. Протестантликнинг йирик даҳоларидан.*

Улим тўшагида ётган Мартин Лютерга ўзи татбиқ этган гояларга ишонибишонмаганини сураганларида, сўнгги нафаси билан:

— Ҳа, — деди.

***Конфуций** — машҳур Чин файласуфи. Янгича бир дин ташкил қилмоқчи бўлган.*

Сўнгги онларида назариясининг амалга ошмаганини кўриб:

***— Мени ҳеч ким тушунмади. Мени устоз дея тан олган ҳеч бир ҳукмдор чиқмади...** — деди.*

Отабек НУРИТДИНОВ тайёрлади.

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ 2002 йилининг январь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:

1. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар курси ўзбек 4-31
2. Мутахассислиги тарих-география бўлган директорлар курси ўзбек 4-31
3. Мутахассислиги химия-биология бўлган директорлар курси ўзбек 4-31
4. Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлар бўлган директорлар курси ўзбек 4-31
5. Мутахассислиги рус ва хорижий тиллар бўлган директорлар курси ўзбек 4-31
6. Ёш директорлар (ишбу лавозимда 5 йилгача ишлаётганлар) курси ўзбек 4-31
7. Ижтимоий фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директорлари курси узб 4-31
8. Туман (шаҳар) ХТБ мудирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовинлари курси (Сурхондарё вилояти) ўзбек 21-26
9. Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун УУТ янги ўқув дастури бўйича мақсадли курси (физика-математика-информатика) узбек 4-17
10. Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун УУТ янги ўқув дастури бўйича мақсадли курси (тарих-география) узбек 4-17
11. Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун УУТ янги ўқув двстури бўйича мақсадли курси (рус ва хорижий тиллар) узбек 18-31
12. Туман (шаҳар) ХТБ бошланғич таълим методистлари учун илгор педагогик технологиялар ва янги рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси узбек 18-31
13. Мактаб амалиётчи психологлари учун мақсадли курс узбек 18-31
14. Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларнинг логопедлари курси ўзбек 4-31
15. Спорт мактабларининг кураш бўйича тренер-ўқитувчилари курси ўзбек 4-31
16. БУИМ директор ўринбосарлари курси ўзбек 4-31
1. Тинголовчилар институт мехмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар ҳаражатлари институт ҳисобидан туланади. Транспорт ҳаражатлари фақат темир йўл ва автобус чипталари асосида туланади. Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидан келиш транспорт ҳаражати юридик жиҳатдан тасдиқланган ҳужжат тақдим этилса туланади.

Курсларда таниқли педагог олимлар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари машғулотлар олиб борадилар; санъаткорлар ва матбуот ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хотира майдони, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

2. Тингловчининг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт, акс ҳолда тингловчилар курсларга қабул қилинмайди ва қайтариб юборилади.

3. Тоифага мос келмаган тинловчиларни қайтарилганда, сафар ҳаражатлари туланмайди.

4. Кечикиб келган тинловчиларни истисно тариқасида ўқиган кунлари учун фақат маълумотнома бериш шарти билан қабул қилиниши мумкин.

5. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторий ўз ишини бошлади. Унга фақат вилоят касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган йўлланма ёки далолатнома бўйича қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.
Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг “Талабалар шаҳарчаси” бекатигача.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Райҳон ХОЛМУРОДОВА, Аҳмад ОТАБОЕВ
Навбатчи: Фарҳод ЭРДОШЕВ, Абдулҳамид Абдуаҳад ўғли

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-3117. Тиражи 14527.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.